

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК – ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ



**Қўлёзма ҳуқукида
УДК 638.28**

Шодмонов Қобилжон Қахрамон ўғли

**«Иқтисодиёт тармоқлари самарадорлигини оширишда хорижий
инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти»
(Қашқадарё вилояти қўшма корхоналари мисолида)**

5A230102 – Иқтисодиёт (реал сектор)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Қарши – 2017

Мундарижа

	Кириш.....	3
1- боб.	Ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ва назарий услубий асослари.....	11
1.	Ишлаб чиқариш тармоқлари самарадорлигини оширишда инвестициялардан фойдаланишнинг назарий асослари.....	11
2.	Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг зарурияти.....	21
	1-боб бўйича хулосалар.....	36
2- боб.	Ўдуд иқтисодиётига хорижий сармояларини жалб этиш ва қўшма корхоналар ташкил қилиш ҳолати таҳлили.....	38
1.	«Косон-ёғ экстракция» АЖнинг ҳудуд иқтисодиётида тутган ўрни ва маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси.....	38
2.	Қўшма корхоналар ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили.....	49
3.	«Косон ёғ экстракция»АЖ иқтисодиётига киритилган инвестициялар таҳлили.....	56
	2-боб бўйича хулосалар.....	67
3- боб.	Иқтисодиёт тармоқлари самарадорлигини оширишда хорижий инвестициялар ҳажмини оширишнинг иқтисодий самарадорлиги.....	69
1.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион иқлимни такомиллаштириш.....	69
2.	Қўшма корхоналар танлаган стратегиясига эришишининг асосий йуналишлари.....	75
3.	Тўғридан — тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантириш йўллари.....	80
	3-боб бўйича хулосалар.....	89
	Хулоса ва таклифлар.....	91
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	94

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жихатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўрини яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган.

Бу борадада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев қуйидагиларни таъкидлайдилар: «Иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш якунланди. Шу жумладан, «ЖМ Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида «Т-250» моделдаги енгил автомобилларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, Жиззах вилоятида цемент заводи кенгайтирилди, Толимаржон иссиқлик энергия станциясида қуввати 900 МВт бўлган буғ-газ қурилмалари ҳамда Ангрен иссиқлик энергия станциясида қуввати 150 МВт бўлган юқори қулли кўмирни ёқувчи энергия блоки ишга туширилди»¹.

Маълумки, Ўзбекистонда етиштирилган пахта толасидан олинган чигит уруғини «Ўзпахтаёғ» гуруҳига кирувчи 23 та ёғ-мой комбинатлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси. 15.01.2017 й.

қайта ишлаш ҳуқуқига эгадир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 январдаги фармонида кўра, айнан ушбу корхоналар мазкур фаолият билан шуғулланишлари мумкин. Уларнинг техник чигитни қайта ишлаш бўйича бир йиллик ўртача қайта ишлаш қуввати 2,5 млн. тоннани ташкил этади.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон ёғ-мой бозорининг етакчи учлигига Қашқадарё («Косон-ёғ экстракция» - йилига 189 минг тонна ва «Қарши-ёғ экстракция – йилига 126 минг тонна) ва Фарғона («Қўқон-ёғ» - йилига 189 минг тонна ва «Фарғона-ёғ-мой» - йилига 126 минг) вилоятлари киради. Бу минтақалардаги қувватлар йилига 315 минг тонна чигитни қайта ишлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг жадаллаштирилишини тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида катта ҳажмдаги сармояларни талаб қилади. Масаланинг мураккаблиги шундаки, инвестицияларни анъанавий молиялаштириш манбаи бўлган банк кредитларидан кенг кўламда фойдаланиш тизими тўлиқ юзага келгани йўқ. Корхоналарнинг ўз маблағлари эса, жорий харажатларнинг юқори эканлиги туфайли ҳозирги шароитда бундай йирик инвестициялар учун етарли молиялаштириш манбаи бўла олмайди. Инвестицияларни молиялаштиришнинг муҳим манбаларидан яна бири бўлган давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш имконияти аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг йирик ҳажмдалиги сабабли чеклангандир. Ушбу муаммо, айниқса, республикаимиз иқтисодиётида ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Сабаби шундаки, саноат корхоналарининг рентабеллик даражасининг нисбатан пастлиги катта ҳажмдаги инвестицияларни молиявий жиҳатдан таъминлашга имкон бермайди. Шу муносабат билан корхоналарни молиявий жиҳатдан

таъминлаш ва рағбатлантириш масалаларини ижобий ҳал этишда чет эл инвестицияларини жалб қилиш орқали бу каби муаммоларни ечимини топиш мумкинлиги ушбу мавзуга оид қатор нашрлар ва илмий тадқиқотларнинг ўсишидан ҳам кўришимиз мумкин.

Демак, мамлакат ривожига хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса етакчи тармоқларда чет — эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан жиҳозлаш, ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас.

Бу борада биринчи Президентимиз И.А. Каримовнинг бевосита хорижий инвестициялар тўғрисида фикрларини келтирамиз: «Умуман олганда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди. Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир»².

Миллий иқтисодиётнинг барқарор ва самарали фаолият юритишини таъминлаш, унинг ўсиш суръатларини жаҳондаги ривожланган мамлакатлари даражасига кўтариш, турли сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар, жаҳон бозори конъюнктурасидаги тебранишлар, инқироз ҳолатларига нисбатан «чидамлилиқ», мустақил ривожланиш салоҳияти айнан иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги туб ислохотлар ва уларнинг натижаларига боғлиқдир. Айни вақтда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ўзгаришларга чамбарчас боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси. 19.01.2014 й.

Яъни, барча соҳа ва жабҳаларда жадал ислоҳот ва модернизация жараёнларининг амалга оширилишида изчиллик ва мантикий мувозанатни таъминлаш алоҳида муҳим ўрин тутди.

Ушбу мавзунинг ёритишда айнан жалб этилаётган хорижий инвестицияларни Қашқадарё вилоятининг ёғ-мой саноатига жалб этиш масалаларига бағишланганлиги, магистрлик диссертация иши мавзусининг долзарб эканлигидан далолат беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ушбу мавзу долзарблиги ва иқтисодиётни такомиллаштиришда тутган ўрнининг ниҳоят даражада кенглиги билан доимий равишда тадқиқотчи олимларнинг диққат марказида бўлган. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалаларини тадқиқ қилиш соҳасида жуда кўп чет эл иқтисодчилари ва олимлари томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Дон Уоллейс, Портер Р.С., Робертс Б., Эклунд К., жумладан Россиялик олимлар Абрамов С.И., Богуславский М.М., Бирман Г., И.А. Бланклар ҳамда Ўзбекистонлик олимлардан Ачилов М.Ф., Анаркулова И., Вахобов А., Ғозибеков Д.Ғ., Ишбутаева Х., Ш.Г. Юлдашевлар кўплаб илмий рисоалар ва асарлар яратишган бўлиб, ушбу мавзунинг назарий ва илмий асосларини ҳамда долзарб муаммоларини кенг ёритиб беришган.

Хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқлари ва ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб — қувватлаш шакллари ва усуллари ҳақидаги масалалар ҳозирги замон иқтисодиёт фанининг ўта баҳсталаб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу муаммоларни иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида янада чуқурроқ ўрганиш зарурияти диссертация мавзусини танлашга сабаб бўлди.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти «Иқтисодиёт» кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Мазкур мавзуда инвестицияларни вилоят иқтисодиётига жалб қилишнинг иқтисодий ва назарий асослари, инвестициялар ҳисобидан ишлаб чиқариш корхоналарни ташкил этиш ҳамда вилоятимизда чет эл инвестицияларини жалб қилишни кенгайтириш айниқса ишлаб чиқаришни ривожлантиришда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кириб келишини такомиллаштириш йўлларини ўрганишдан, бу соҳага оид илмий тадқиқотлар ва ривожланган хорижий мамлакатлар илғор тажрибаларини тадқиқ қилиш асосида ушбу жараёни молиявий рағбатлантириш усуллари ва воситаларини такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари. Илмий ишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг вазифалари қўйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

- Ишлаб чиқариш тармоқлари самарадорлигини оширишда инвестициялардан фойдаланишнинг назарий асосларини очиб бериш;
- Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг заруриятини ўрганиш ва такомиллаштириш;
- «Косон-ёғ экстракция» АЖнинг ҳудуд иқтисодиётида тутган ўрни ва маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси таҳлил қилиш орқали таклифлар ишлаб чиқиш;
- Қўшма корхоналар ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш ва модернизациялаш жараёнлари самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш;
- «Косон ёғ экстракция» АЖ иқтисодиётига киритилган инвестициялар таҳлилидан корхонанинг инновацион фаолиятини илмий-назарий жиҳатларини

ўрганиш ва ривожлантириш;

- Иқтисодийни модернизациялаш шароитида инновацион иқлимни такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Қўшма корхоналар танлаган стратегиясига эришишининг асосий йўналишларини илмий асослаш;

- «Косон-ёғ экстракция» акционерлик жамияти фаолиятига тўғридан — тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш йўллари аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. «Косон-ёғ экстракция» акционерлик жамиятини модернизациялашни самарали ташкил этишда хорижий инвесторлар фаолияти тадқиқот объекти ҳисобланади. Ҳудуд саноат корхоналари самарадорлигини оширишда хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни ва аҳамияти тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқот услубияти ва услублари: Диссертацияда илмий билиш, анализ ва синтез, таққослаш, иқтисодий-статистик таҳлил, эксперт баҳолаш, абстракция, монографик кузатув ва замонавий истиқболлаштириш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси: ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида ҳудуд ёғ-мой саноат тармоғи корхоналари фаолиятини инновацион ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамиятли жиҳатлари назарий ва услубий йўналишларини асослаш ҳисобланади.

Илмий янгиликнинг асосий натижалари қуйидагиларда ифодаланади:

- республикамізда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар босқичида инвестицияларга таъсир этувчи омилларнинг назарий томонлари ўрганилди;

- хориж ва маҳаллий инвесторларга қулай сармоя муҳитини яратиш бўйича бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди;
- вилоятимиз учун чет эл сармоядорларини жалб этишнинг устувор йўналишдаги соҳалари аниқланди;
- вилоят иқтисодиётига хорижий инвестицияларини жалб қилишни рағбатлантириш, такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи. Магистрлик диссертацияда иқтисодиёт тармоқлари самарадорлигини ошириш юзасидан илмий тавсиялардан корхонада модернизациялаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва аҳамиятли жиҳатлари, хусусан, «Косон-ёғ экстракция» акционерлик жамияти фаолиятида кенг фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот жараёнида олинган назарий ва амалий натижалар, таҳлилий маълумотларни «Корхона иқтисодиёти», «Саноат корхоналари иқтисодиёти» ва «Инновацион менежмент» каби фанларни ўқитиш жараёнларини услубий таъминлашда қўллаш мумкин.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари. Илмий ишнинг асосий натижалари бўйича умумий ҳажми 2,5 босма табоқ бўлган 2 та илмий мақола ва 5 та тезис материаллари чоп этилган.

Ишнинг тузилиши ва таркиби. Тадқиқот ишининг таркибий тузилиши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, илмий ўрганилганлик даражаси, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, диссертациянинг илмий янгиликлари ва амалий аҳамияти ёритилган.

Биринчи «Ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ва назарий услубий асослари» бобда хорижий инвестицияларнинг моҳияти ва турлари ёритиб берилган. Иқтисодиётни

ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг зарурияти асосланган. Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда хорижий сармояларнинг роли кўрсатилган.

Иккинчи «Худуд иқтисодиётига хорижий сармояларини жалб этиш ва қўшма корхоналар ташкил қилиш ҳолати таҳлили» бобида Қашқадарё вилояти иқтисодиёт тармоқларига ва айнан хорижий сармоялар иштирокидаги қўшма корхоналар фаолиятига киритилган инвестицияларнинг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган.

Учинчи «Иқтисодиёт тармоқлари самарадорлигини оширишда хорижий инвестициялар ҳажмини оширишнинг иқтисодий самарадорлиги» бобида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни яратишда чет эл сармояларини иқтисодиётга жалб этишни мақбул йўлларида бири сифатида ёритилган. Тўғридан—тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантириш йўллари тавсия этилган.

Хулоса ва таклифлар қисмида диссертация мавзусидан келиб чиқиб, аниқ хулоса ва амалий таклифлар берилган.

1-боб. Ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ва назарий услубий асослари

1. Ишлаб чиқариш тармоқлари самарадорлигини оширишда инвестициялардан фойдаланишнинг назарий асослари

Бугунги кунда инвестиция ва инвестицион жараёнга турли олим ва амалиётчилар ҳар хил нуқтаи назардан қарайдилар. Айрим олимлар инвестицияни ҳали ҳам «капитал қўйилмалар», «капитал қурилиш» категорияларига тенглаштириб келадилар. Аслини олганда, инвестиция ҳажми жиҳатидан ҳам, ранг — баранглиги жиҳатидан ҳам ҳозир айтилган категориялардан устун туради. Бозор муносабатлари шароитида «капитал қўйилмалар», «капитал қурилиш» категориялари инвестицияларнинг таркибий қисмидир.

Инвестициянинг иқтисодий аҳамияти тўғрисида фикр юритиладиган бўлса, бу ўринда «инвестиция» тушунчасининг молиявий, мулкӣ ва интеллектуал (ақлий) кадриятларни такрор ишлаб чиқаришнинг инъикоси бўлмиш дастлабки ва асосий тушунча бўлиб майдонга чиқишини унутмаслик керак. Кўпгина иқтисодиётчи олимлар ва амалиётчиларнинг асарларида инвестиция ва у билан боғлиқ бўлган бошқа муаммолар тўғрисида фикрлар бор. Масалан, профессор Е. В.Михайлованинг фикрича, «инвестиция бу — субъект ихтиёридаги барча молиявий, моддий ва бошқа бойликларни келажакда иқтисодий самара олиш учун бирор объектга сарфлашдир». Бу ўринда инвестициянинг моҳияти билан мазмунини бозор иқтисодиётига мослаштириб очиб беришга ҳаракат қилинган.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва инвестиция тўғрисида ўзимизда қабул қилинган қонуннинг таҳлилидан келиб чиқиб, инвестициянинг шартли равишда учта турини ажратиш мумкин:

- 1) молиявий инвестициялар;

- 2) моддий инвестициялар;
- 3) ақлий (интеллектуал) инвестициялар.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир инвестиция турининг ўзига хос ўрни бўлади. Молиявий инвестициялар таркибига маҳаллий ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари, банклардаги омонатлар, депозит сертификатлар, акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда уларга тенглаштирилган бойликлар киради.

Моддий инвестициялар таркибига асосий фондлар, яъни бинолар, асбоб —ускуналар, иншоотлар, коммуникациялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисмлари киради.

Ақлий (интеллектуал) инвестициялар миқдори жуда ранг — барангдир, яъни улар мулкӣй шаклидаги инвестициялар, ақлий меҳнатга оид шаклдаги инвестициялар ва табиий ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялардан иборат.

Мулкӣй ҳуқуқлар гуруҳига кирадиган инвестицияларнинг хиллари бозор муносабатларининг нечоғлик ривожланганига, миллий бозорларнинг ўзига хос томонларига қараб ҳар хил бўлади. Ақлий меҳнатга оид ҳақ — ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар таркибига муаллифлик ҳуқуқлари, «ноу —хау», кашфиётлар, товар белгиларига бериладиган лицензиялар ва бошқа хил эғалик ҳуқуқлари киради.

Табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқлари кўринишидаги инвестициялари ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларини ўз ичига олади.

Ҳамма турдаги инвестициялар, уларнинг ҳажмидан қатъий назар, бирор бир инвестицион жараённинг натижасидир.

Олимларнинг инвестициялар тўғрисидаги фикрларини, инвестициялар хусусида қонунларимизда келтирилган кўрсатмаларни умумлаштириб, инвестицияга қуйидагича таъриф берилади: «инвестиция деб ҳар бир

инвесторнинг ихтиёридаги молиявий, моддий ва ақлий бойликларини бирламчи иқтисодий самара олиш мақсадида бирор бир инвестицион объектга сарфлашига айтилади».

Инвестицияларнинг иқтисодий мазмунининг кўп қирралилиги унга берилган таърифларнинг ўзида ҳам намоён бўлади. Жумладан, Ш.Шодмонов, Р.Алимов ва Т.Жўраевлар: «Инвестициялар - асосий ва айланма капитални кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга пул шаклидаги қўйилмадир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади. Пул маблағлари кўринишидаги инвестиция номинал инвестиция, ана шу пул маблағларига сотиб олиш мумкин бўлган инвестицион ресурслар реал инвестиция дейилади», деб таъкидлайдилар³.

Д.Тожибоева инвестицияларни қуйидагича таърифлайди: «Инвестиция деганда келажакдаги натижа учун: ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки реконструкция қилиш, маҳсулот ва хизматларни сифатини яхшилаш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга мўлжалланган молиявий ресурслар тушунилади»⁴. Бундан кўринадики, муаллиф мазкур таърифда инвестицион фаолият йўналишларига урғу бериб ўтади.

Шунингдек, баъзи манбаларда «Инвестициялар - хусусий сектор ва давлат томонидан мамлакат ичида ва унинг чегарасидан ташқарида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва қимматли қоғозларга капиталнинг узок муддатли қўйилмаси»⁵ сифатида қаралиб, олдинги таърифлардан фарқли ўлароқ, портфелли (яъни, қимматли қоғозларга жойлаштирилган) инвестициялар ҳам кўрсатиб ўтилади.

³ Шодмонов Ш.Ш., Алимов Р.Х., Жўраев Т.Т. "Иқтисодиёт назарияси", -Т., "Молия" нашриёти, 2002, 277-6.

⁴ Тожибоева Д. "Иқтисодиёт назарияси": 2-китоб: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. -Т. "Шарқ", 2003, 79-6.

⁵ Экономическая теория: Учебник. — Изд., испр. и доп. / Под. общ.- ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрышина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. - М.ИНФРА-М, 2005, с. 422.

Баъзи манбаларда инвестицияларни амалга оширишнинг асосий мақсадини очиб беришга ҳаракат қилинган таърифлар ҳам учрайди. Жумладан, «Инвестициялар (лот. «Grūyezūge» кийинтирмок; ингл. shūyezgtesh.) - қўшимча фойда олиш ёки обрў-эътиборга эга бўлиш мақсадида, ёки маблағларни бундай тарзда қўйиш бу соҳада ўз операцияларини олиб боришга қараганда анча фойдалилиги сабабли капитални қандайдир ҳуқуқий жиҳатдан мустақил бўлган корхоналарга узоқ (бир йилдан кам бўлмаган) муддатга жойлаштириш»⁶ деб қаралиши бунга яққол мисолдир.

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш, ҳуқуқий нуқтаи назаридан, турли мулкдорлар ўртасида моддий ва номоддий активларни такрор ишлаб чиқариш хусусидаги ўзига хос, мураккаб, ижтимоий зарур иқтисодий (инвестиция) муносабатларини шакллантириш меъёрларини назарда тутди. Инвестиция жараёнининг барча субъектлари – чет эллик инвесторлардан бошлаб, давлат, юридик ва жисмоний, шу жумладан чет эллик шахслар (резидентлар ва норезидентлар) гача бу муносабатларнинг иштирокчиларига айланадилар. Ҳуқуқ нуқтаи назардан чет эл инвестициялари бошқа давлат ҳудудида капиталга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ. Иқтисодий нуқтаи назардан эса уларнинг ҳудудий, замон ва макондаги ҳаракати шакллари фойда олиш мақсадида кўпдан-кўп қўшимча рисклар билан тўқнашиш эҳтимолига эга бўлади.

Инвестиция муносабатларининг моҳияти бу фаолият иштирокчилари доирасида ва даражасида ўз ифодасини топади. Инвестиция фаолияти ривожланишининг объектив шароитларини акс эттирадиган алоҳида инвестиция муносабатларининг мавжудлиги тартибга солишнинг мустақил предмети бўлишини тақозо қилади. Ҳуқуқ нуқтаи назаридан инвестиция фаолиятини тартибга солиш умумий ҳуқуқий ва хусусий ҳуқуқий тартибга

⁶ Иностраннме инвестиции. В кн.: Л.Н.Павлова. Финасы предприятий. -М., 2004. -с. 171.

солиш меъёрларини камраб олади. Бу меъёрларнинг бирлиги ижтимоий ва алоҳида инвестиция муносабатларининг характери ва моҳиятини ифода этади ва уларни тартибга солиш усулига айланади. Тартибга солиш усуллари ҳуқуқ меъёрларининг ҳам алоҳида, ҳам ижтимоий зарур инвестиция муносабатлари характериға ўзига хос тарзда таъсир кўрсатиш йўлларида иборат.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Республикада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш биринчи навбатда давлатнинг иқтисодий, илмий – техникавий ва ижтимоий сиёсатини амалга ошириш мақсадларини кўзлайди.

Капиталнинг мамлакатлараро кўчиб юриши кенгайган шароитларда инвестиция фаолияти, бир томондан, миллий, иккинчи томондан, халқаро инвестиция муносабатларини миллий ва халқаро ҳуқуқ тизими асосида тартибга солиш йўли билан амалга оширилишини талаб этади. Инвестиция фаолиятини тартибга солишдаги халқаро тажрибаларни ҳисобга олиш, чет эл инвесторларига инвестициялашнинг барча турлари ва шаклларида миллий тартиботни бериш янада қулай инвестиция муҳитини яратади ва чет эл инвестицияларининг кириб келишини тезлаштиради.

Инвестиция муносабатларини давлат томонидан тартибга солиниши ҳуқуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, бу фаолият субъектларини суғурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади.

Ҳозирги даврда инвестиция муносабатлари капиталларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш борасидаги муносабатларни камраб олади ва нафақат миллий иқтисодиёт доирасида, балки халқаро

иқтисодиёт даражасида ресурсларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш жараёнларини акс эттиради.

Ўзбекистон чет эллик инвесторларнинг республика ҳудудида инвестиция фаолиятини амалга оширишдаги ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Агар Ўзбекистон Республикасининг келгусидаги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шароитларини ноқулайлаштирадиган бўлса, ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддат давомида чет эл инвестицияларига нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатлари қўлланилади. Ушбу ҳуқуқий меъёр чет эллик инвесторлар нуқтаи назарида ғоят муҳим ҳисобланади. Бу меъёр мудофаа, миллий хавфсизлик, жамоат тартибини сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга тааллуқли қонун ҳужжатларини ўзгартиришга татбиқ этилмайди.

Кейинги йиллардаги тадқиқотлар Ўзбекистоннинг ялпи инвестициялари ҳажмида аҳоли ҳиссаси ғоят паст бўлиб қолаётганлигини, бюджет орқали қайта тақсимланадиган ЯИМ ҳиссаси юқори эканлигини кўрсатади, бу эса инвестицияларни солиқлар воситасида рағбатлантириш йўқлигидан далолат беради. Шу муносабат билан инвестиция фаоллигини жонлантириш учун солиққа тортиладиган базани кенгайтириш, солиқ ставкаларини камайтириш, иқтисодий ва молиявий усуллар, шунингдек инвестиция фаолиятини тартибга солиш воситалари таъсирини кучайтириш талаб этилади.

Мамлакатимиз қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган фаолиятнинг ҳамма соҳалари ва турлари бўйича концессия берилиши мумкин.

Инвестиция фаолиятини тартибга солишда энг муҳим ва асосий муаммолардан бири чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни республика минтақалари бўйлаб бир текис жойлаштиришдир. Алоҳида диққат ва эътиборни жалб қиладиган муаммо республика ҳудуд ва туманларини ривожланишидаги нотекисликни қисқартириш масаласидир. Бу ТТЧИ ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни мамлакат минтақалари

бўйлаб жойлаштиришга йўналтирилган рағбатлантирувчи тадбирларни талаб қилади.

2002 йилга қадар республикамизни 31та туманида хорижий инвестициялар иштирокида бирорта ҳам корхона ташкил этилмаган эди. Бу борада, айниқса хусусий тармоққа инвестицияларни жалб этиш масаласи диққатга сазовор.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ишлаб чиқариш технологияларини, глобал билимларни олиш, солиқларнинг тартибга солиш ролини такомиллаштириш, рағбатлантирувчилик ролини кучайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Бундаги асосий вазифа – чет эллик шерикларга капитал кўйишнинг самарали йўналишларини таклиф қилишдан, ўзаро манфаатли соҳаларни белгилашдан, улар ишончини қозонишдан, инвесторлар ҳуқуқлари кафолатлари ва уларни ҳимоя қилишнинг реал механизмларини амалга оширишдан иборат.

Инвестиция муҳити инвесторларнинг инвестиция рискларини баҳолаш асосида чет эл инвестициялари кириб келишига қулайликлар яратишдан иборатдир. Чет эллик инвесторлар қабул қилувчи мамлакатдаги инвестиция муҳитини, унинг хавфсизлиги, сиёсий рисклар даражаси ва уларнинг суғурталаниши, инвестициялаш мақсадларига мувофиқлиги, иқтисодиётнинг бошқаларга қараганда қулайлиги нуқтаи назаридан баҳолайдилар. Мамлакатга хос риск даражаси (қарзлар масаласи, импорт ва экспорт баланси, ҳукуматнинг барқарорлиги ва бошқалар), маҳаллий шароитнинг кўшни мамлакатга нисбатан устун томонлари муҳим ўринда туради. Инвестицияларни рағбатлантириш тадбирлари (импорт хом ашёга божхона божларини бекор қилиш, корпоратив солиқни қисман ёки бутунлай бекор қилиш, солиқлар бўйича имтиёзлар), экспорт саноати районлари, эркин савдо зоналари, божхона божлари амал қилмайдиган зоналарнинг бўлиши ва бошқалар алоҳида аҳамиятга эга. Инвестиция сиёсати нисбатан катта бўлмаган ва ихчам корхоналар, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга йўналтирилган бўлиши керак. Шундай қилиш

керакки, истеъмолчи учун танлаш имконияти, ишлаб чиқарувчилар учун иқтисодий мусобақада ва инвестицияларнинг молиявий таъминланишида тенг шароитлар бўлсин.

Оммавий-ҳуқуқий ва хусусий-ҳуқуқий меъёрлардан фойдаланишга асосланган инвестиция фаолиятини тартиблаш усуллари миллий ва халқаро ҳуқуқ тизимларини уйғунлаштирилиши асосида амалга оширилиши талаб этилади.

Тўлақонли бозорда инвестиция муносабатлари давлат томонидан ўрнатилган меъёр ва қоидалар доирасида муайян мулкдорларнинг хусусий манфаатларини тенг ва кафолатланган шартлар асосида амалга оширилишини таъминлайди. Халқаро инвестиция муносабатлари, ички мамлакат муносабатларидан фарқли ўлароқ айрим мамлакатлар, корпорациялар, компаниялар, молия ва кредит муассасалари ва муайян инвесторлар манфаатларини акс эттиради. Ўзбекистонга чет эл сармоялар оқими кенгайиши муносабати билан, инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни асосий вазифаси оммавий ва хусусий манфаатлар, хорижий мамлакатлар, компаниялар, муайян инвесторлар манфаатларини самарали нисбатини белгилаш ҳисобланади. Иқтисодиёт эркинлаша боргани сари, инвестиция фаолиятини давлат тартиблаши кўпроқ хусусий тадбиркорлик соҳиблари ва иқтисоднинг аралаш секторларини инвестиция фаолиятига кенгроқ жалб этилишига ва бу борада уларни рағбатлантиришга қаратилади.

Республикада инвестиция фаолиятини тартибга солиш тизимида солиққа тортиш тизими суғушга солинган, қўлланилаётган солиқ имтиёзларида халқаро солиқ протекционизми тажрибалари етарли даражада ҳисобга олинмаган эди. Фан-техника ютуқларини жорий қилиш учун инвестиция солиқ кредити етарли даражада қўлланилмайди. Хусусий сектор инвестицияларини жалб қилишга ва ишлаб чиқариш инвестицияларини рағбатлантириш, истеъмол

инвестицияларини камайтиришга йўналтирилган имтиёзлар ва преференциялар рўйхатини кенгайтириш талаб этилади.

Умуман улар бўйича солиқ кредитлари, имтиёзлари ва рағбат омиллари иқтисодий субъектларнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олиш ва капитал жамғарилишини рағбатлантириши лозим. Ставкалар миқдорини пасайтиришни, имтиёзлар турларини, солиқ кредитларини, тўловларни кечиктиришни кенгрок қўллаш, қўшилган қийматни икки томонлама ва ундан кўп солиққа тортишни бартараф этиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш керак. Солиқ солинадиган фойдани қисқартиришнинг реал механизми бу «икки томонлама камайиб борувчи қолдиқ» кўринишидаги жадаллаштирилган амортизация усулини жорий этиш ва ҳар бир алоҳида ҳолатда чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чораларини таъминлашдир.

Мамлакат ҳудудлари ривожланишидаги фарқларни қисқартириш алоҳида эътибор талаб қиладиган масаладирки, бу ТТЧИни мамлакат минтақалари бўйлаб ёйиб жойлаштиришга қаратилган рағбатлантирувчи тадбирларни талаб қилади.

Рағбатлантирувчи солиқ имтиёзлари инсон капитали, технологик ва техникавий билимлар соҳаси ривожлантирилишидаги инвестицияларни кенгайтирилишига қаратилиши зарур. Буларнинг барчаси Ўзбекистондаги инвестиция муҳитини моделлаштиришни талаб этади, бу билан хорижий инвесторлар саъй-ҳаракатига таъсир этувчи омиллар ҳақида тадрижий тассавур олиш, чет эл инвестицияларини тартибга солиш воситаларини уйғунлаштириш имконларини беради.

2005 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар жалб қилиниш ҳажмига қараб уларни сафарбар этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун

белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинди. Мазкур солиқ имтиёзлари тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми:

- 300 минг АҚШ долларида 3 млн. АҚШ долларида - 3 йил муддатга;
- 3 млн. АҚШ долларида 10 млн. АҚШ долларида - 5 йил муддатга;
- 10 млн. АҚШ долларида ортиқ бўлганда 7 йил муддатга бериладиган бўлди.

Ушбу солиқ имтиёзлари Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ туманларида жойлашган корхоналарга берилди. Бундай имтиёзларни киритилишидан мақсад республика минтақаларида қўшма корхоналарни барпо этиш ва хорижий инвестицияларни жойлаштиришдаги нотекисликни бартараф этишдир.

Иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш масалалари диққат марказида бўлганлиги туфайли 2007 йилда рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш, солиқ кредити ва имтиёзларидан кенгроқ фойдаланиш имкониятлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 15 мартдаги «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқаришга илғор замонавий ускуналарни мунтазам киритиш асосида модернизациялашни таъминласа, янги жиҳозлар ишлаб чиқаришга жорий этилган пайтдан бошлаб қуйидаги қўшимча имтиёзларга эга бўлдилар:

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объектини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида уч йил мобайнида фойдадан олинмаган

солиқ базаси тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан камайтирилди;

- ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилди;

- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилди;

- 2007 йил 1 апрелдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар томонидан четдан олиб кириладиган технологик жиҳозлар бўйича қонунчиликда белгиланган божхона тўловларини тўлашда имтиёзлардан фойдаланилди. Бундай имтиёз шартнома шартларида кўзда тутилган бўлса бутловчи ва эҳтиёт қисмларга нисбатан ҳам татбиқ этилди.

2. Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда хорижий инвестицияларни жалб этиш зарурияти

Чет эл инвестицияларини жалб қилиш давлат сиёсатида муҳим вазифалардан бири эканлиги шубҳасиз. Мамлакат иқтисодиётига йўналтирилаётган хорижий инвестицияларни марказлашган ҳолда назорат қилиш ва улар киритилишини тезлаштириш мақсадида Давлат Инвестиция дастури ташкил этилган бўлиб, бу мазкур дастурга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида иқтисодиётни юксалтиришда ҳал қилувчи вазифани бажармоқда.

2015 йилги Давлат Инвестиция дастурининг ҳукумат кафолати остида киритиладиган хорижий инвестициялар адресли қисмига умумий қиймати

2173,31 млн.АҚШ долл. бўлган, жами 52 та устувор лойиҳалар киритилган бўлиб, улар орқали 2015 йилда 350,15 млн.АҚШ долл. ўзлаштирилиши кўзда тутилган. Давлат Инвестиция дастури доирасида устувор лойиҳаларни амалга ошириш Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан режа кўрсаткичлари 240,34 млн.АҚШ долл.га ўзгартирилди ва амалда 201,52 млн.АҚШ доллар миқдорида инвестиция маблағлари ўзлаштирилди, яъни ўрнатилган режа 84% га бажарилди.

Худди шундай тўғридан — тўғри киритиладиган чет эл инвестицияларининг устувор лойиҳалар рўйхатига умумий қиймати 2127,85 млн.АҚШ долл. бўлган жами 60 лойиҳалар киритилган бўлиб, 2015 йилда 515,63 млн.АҚШ долл. миқдоридаги инвестиция маблағлари ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши баёнига кўра 482,0 млн.АҚШ.долл.га ўзгартирилди ва амалда 554,58 млн.АҚШ долл. миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Ўрнатилган режа 115,06 % га бажарилди.

2016 йилги давлат инвестиция дастурига умумий қиймати 4100,51 млн. АҚШ долл. бўлган жами 134 та устувор лойиҳалар киритилган бўлиб, жами 917,97 млн. АҚШ долл. миқдоридаги хорижий инвестиция ўзлаштирилди.

Бизга маълумки, республикамиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг зарурияти асосан:

- республикамизнинг хом ашё ва табиий бойликларга сероблиги ва илғор замонавий хориж технологияларини жалб этиш орқали кўплаб қайта ишловчи корхоналар куриш имкониятининг мавжудлиги;

- иқтисодиёт тармоқларидаги аксарият ишлаб чиқариш қувватларининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги, улар қайта тиклашга ёки техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга мансуб бўлиб, аксарияти ишга яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги;

- саноат ишлаб чиқаришида моддий — техника базасининг етарли даражадан пастлиги ва оқибатда, кўпгина зарар кўриб ишлайдиган корхоналарнинг мавжудлиги;

- республика миллий даромадида жамғариш билан истеъмол ўртасидаги нисбатнинг номуносиблиги натижасида жамғаришнинг инвестиция манбаи сифатида камайиб бораётганлиги;

- аҳоли сонининг ўсиб бораётганлиги ва меҳнат ресурслариниш манбаи бўлмиш қишлоқда замонавий мўъжаз корхоналарнинг барпо этиш зарурлиги;

- республика экспортида хом ашё салмоғини камайитириш ва кўплаб тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини юзага келтириш зарурлиги кабилар билан асосланади.

Ушбу заруриятлардан келиб чиққан ҳолда, республикада хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш бўйича ҳуқуқий база ва иқтисодий — ижтимоий ҳамда сиёсий шароитлар мажмуаси бўлмиш қулай инвестицион муҳит барпо этиш бўйича муҳим қадамлар қўйилди. Сўнгги йилларда республикада иқтисодиётга жалб қилинган хорижий инвестицияларни таҳлил қилар эканмиз, иқтисодиётда асосий капитални ўстириш учун қўйилган жами инвестицияларда хорижий инвестицияларнинг салмоғи 2012 йилда 20,4 фоизни, 2013 йилда 26,3 фоизни ташкил этгани, шу жумладан, 2012 йилда бевосита инвестициялар 4,7 фоизни, 2013 йилда 7,1 фоиздан иборат бўлганига гувоҳ бўламиз. Шунингдек, 2012 йилда жалб этилган хорижий инвестицияларнинг тармоқлар бўйича таркибида кимё-нефть-кимё саноатига қўйилган инвестициялар 28,8 фоизни, енгил саноатга - 20,6 фоизни, газ саноатига - 13 фоизни, маиший қурилишга - 8,3 фоизни, машинасозликка - 6,5 фоизни, қишлоқ хўжалигига - 6,1 фоизни, транспорт ва алоқага - 5,8 фоизни, бошқа соҳаларга - 28,8 фоизни ташкил этган.

2012-2013 йиллардаги иқтисодиётимизга жалб этилган хорижий инвестицияларнинг 75 фоиздан ортиқроғини Халқаро молиявий фондларнинг ва

чет эл банкларининг кредитлари ташкил этади ва бу кредитларнинг асосий қисми ҳукумат кафолати асосида жалб этилган кредитлардир.

Инвестиция дастурини молиялаштириш манбаи 2014 йилда 999,2 млрд. сўм миқдорида белгиланган бўлиб, шундан 664,2 млрд. сўмини хорижий инвестиция ва кредитлари, 300 млрд. сўмини бюджет маблағлари, 35 млрд. сўмининг эса нобюджет маблағлари ташкил этиши режалаштирилган бўлиб, бу йилда инвестиция дастурини молиялаштириш манбаларида асосий ўринни, яъни 66,5 фоизни хориж инвестициялари ва кредитлари ташкил этди. Жорий йилда иссиқлик — энергетика соҳасида бешта йирик лойиҳани хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилди. Келгуси йилларда эса 92 та лойиҳа бўйича 1,028 млрд. АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестициясини жалб этиш режалаштирилди.

2016 йилда мамлакат иқтисодиётига 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард доллар бўлган 164 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш якунланди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, хорижий инвестициялар иқтисодиётга турлича шаклда, яъни тадбиркорликнинг бевосита инвестицияси шаклида ёки кредит, молиявий инвестиция шаклларида қўйилиши мумкин. Республикамиз иқтисодиётига жалб қилинган инвестицияларнинг аксарият қисмини ҳукумат кафолати асосида киритилган чет эл кредит линиялари ташкил этади. Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётига бевосита ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган, эркин, хусусий хориж капиталини жалб этиш самаралироқдир.

Бевосита хорижий инвестицияларини иқтисодиётга жалб этиш учун, юқорида таъкидлаганимиздек, қулай инвестиция муҳити яратилиши зарурдир.

Ҳар қандай инвестор ўз капиталини бирон — бир давлат иқтисодиётига қўйишдан бош мақсади ҳам максимал фойда олиш бўлганлиги учун ўша давлатдаги шарт — шароитларни тўлиқ таҳлил қилгандан сўнггина қарор қабул қилади. Демак, республикамизда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалий қадамлар қўйилиши лозим.

Лондон Сити Лорд мэри Алдерман Гевин Артурнинг фикрича, аввалам бор инвесторлар учун очиқ ишчан муҳитнинг мавжудлиги, хорижий инвесторлар билан ҳам айнан маҳаллий инвесторлар ва тадбиркорлар билан бўлган муносабат ўрнатилиши, иккинчидан, инвесторлар минимал бюрократик ва шартномаларга ҳурмат бўлган шароитларда фаолият юритиши, икки томон ҳам шартноманинг шартларини ўз вақтида бажариши, солиққа тортиш тизимининг шаффофлиги, яъни содда, тушунарли бўлиши, инвестициялашни бошлаган даврдаги шарт — шароитларнинг ўзгармаслиги каби муҳитнинг яратилиши чет эл инвестицияларини жалб этишни тезлатади. Шунингдек, А.Г.Артурнинг фикрича, инвесторлар ишлаб топган фойдаларини ҳеч қандай тўсиқларсиз олиб чиқиб кетиши, халқаро молиявий институтлар ҳам худди футболда ўйнаётган команда сингари, яъни ўйин давомида қоидаларни ўзгартирмаслик асосида фаолият юритишга ўрганишган.

Шундай экан, инвестициялаш жараёнида инвесторларнинг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар ва шарт — шароитларнинг ўзгармаслиги ўта муҳимдир. Фикримиз давомида банк тизимида хорижий инвестицияларни жалб этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Банк тизимида инвестициялашни амалга оширишда хорижий инвесторлар асосан учта муаммога кўпроқ эътибор бермокдалар.

- ◆ мамлакат ёки давлат хатари;
- ◆ банк тизимида бўлган ишонч муаммоси;
- ◆ алоҳида олинган банклар фаолиятининг шаффофлиги.

Мамлакат ёки давлат хатари — бу мамлакатнинг хориж валютасида олган кредитларини қайтара олиш қобилиятини баҳолашдир. Мамлакат хатарини баҳолашда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, тўлов балансининг тузилмаси, капитал операциялар бўйича тўлов балансининг таркиби, ликвидлилик rischi, фойдани олиб чиқиб кетиш муаммоси, ҳукуматнинг иқтисодийётни бошқара олиш қобилияти, сиёсий ва ижтимоий riskлар, иқтисодий фаолиятнинг шароитлари, статистик маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги каби кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар ёрдамида республикамизга инвестициялаш rischi аниқланади. Агар бу кўрсаткичлардан айримларига тўхталадиган бўлсак, масалан, республикамиз тўлов балансининг тузилмасини қарайдиган бўлсак, сўнгги йилларда у салбий бўлиб, мамлакат riskини оширади. Савдо баланси бир қарашда ижобий бўлсада, лекин асосий экспорт маҳсулотлари пахта, олтин, энергия ташувчи маҳсулотлар бўлиб, улар жаҳон бозори конъюнктурасининг ўзгаришини ўта тез сезувчи ва мамлакат riskини ошишига замин яратувчи маҳсулотлардир.

Банк тизимида бўлган ишонч масаласига келадиган бўлсак, бизга маълумки, банкларнинг асосий фаолиятини воситачилик, яъни бир томондан, маблағларни жалб этиш ва иккинчи томондан, кредитлашни амалга ошириш ташкил этади. Республикамиздаги банкларда бугунги кунда маблағларни жалб этишда ҳам, кредитга қобилиятли қарздорларни топишда муаммолар мавжуд.

Республикамиз аҳолисининг айрим қисмида банк тизими иқтисодийётнинг ривожланишига етакчилик қилади, деган фикрлар мавжуд.

Бизнинг фикримизча, иқтисодийётимиз ривожига банк тизими нафақат етакчи, балки кучли имкониятга эга ва кредитга лаёқатли тадбиркорлар етакчилик қилиши, шунингдек, молиялаштириш ва кредитлаштириш тизими ҳам шу тадбиркорлар фаолиятига мувофиқлаштирилиши зарур. Қаерда соғлом, меҳнатсевар, ишбилармон тадбиркорлар бўлмас экан, молиялаштиришга талаб

ҳам бўлмайди ҳамда чет эл банкларининг келишига замин ҳам яратилмайди. Ўз ўрнида, банкларнинг мустақиллиги ва эркинлиги кафолатланган бўлиши ҳамда давлат банкларнинг қонун ва низомларга мос келмаётганлигини назорат этиши зарур.

Шунингдек, қимматли қоғозлар бозорининг ликвиддигига эришишимиз зарур, хориж инвестори сотиб олган акцияларини белгиланган вақтда фойдали сотиш имкониятига эга бўлмоғи даркор. Хорижий корхоналарни тугатиш жараёнини ҳам аниқ ва содда тарзда ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги бу каби муаммоларни ўз вақтида тўғри англаб ҳал этиш келтирилган айрим таклифларни инобатга олган ҳолда республикамиз иқтисодиётига, жумладан, банк соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этишни тезлаштиради, деган фикрдамиз.

Мамлакатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов 2010 йилнинг январь ойида Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси йиғилишида жаҳон бозорида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва бозор ислохотларини чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўяётганлигини таъкидлаб, бу йўналишларда 2005 йилда ва келгуси даврларда ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Шу нуқтаи назардан мазмун — моҳияти ва амалий аҳамияти Ўзбекистон минтақалари иқтисодиёти ривожини учун ўта долзарб бўлган мамлакатимиз Президентининг хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга қаратилган Фармони айнан иқтисодиётни эркинлаштириш борасида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.⁷

Ўзбекистон минтақаларида қўшма корхоналар очишга чет эл инвестицияларини жалб этишни бундан буён ҳам рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Республика минтақаларида чет эл инвестициялари

⁷ Каримов И.А. «Мамлакатимиз тиракқийетининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор» «Халқ сўзи», 2006, 25 февраль

бўлган корхоналарни очиш юзасидан Дастур 459-сонли қарори билан тасдиқланди. Шу дастурга мувофиқ, республика минтақаларида 2005 йилга қадар иқтисодиётнинг барча тармоқларида 292 та корхона очилди ва ишга тушурилди. Улар орасида қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотини қайта ишлаш, енгил саноат (тўқимачилик маҳсулотлари, калава ишлаб чиқариш, пахтани қайта ишлаш ва шу кабилар), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, озиқ —овқат, кимё, электротехника, машиносозлик корхоналари, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқларга дахлдор корхоналар мавжуддир.

Ҳозирги вақтда чет эл сармояларига инвестициялар қўйишнинг турли шакллари таклиф этилмоқда, булар орасида қўшма корхоналар, чет эл сармояси 100 фоиз ташкил этадиган корхоналар очиш, хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг бир қисмини ёки ҳаммасини сотиб олиш таклифлари бор ва ҳ.к., шунингдек, иқтисодиётнинг турли тармоқларида кўпдан-кўп конкрет лойиҳаларни амалга ошириш таклифлари ҳам мавжуд, яъни саноат комплексида, қишлоқ хўжалиги, транспорт, телекоммуникация, қурилиш, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва шу каби соҳаларда.

Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини изчиллик билан ўтказиш, маблағларни республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи устувор йўналишларда мужассам қилиш республикада ўтказилаётган иқтисодий сиёсатнинг асосий тамойилларидандир.

Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг тараққиёт даражаси ва барқарор иқтисодий ўсишга эришишида хорижий инвестициялар муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бу ўз навбатида, мамлакатимиз миллий иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун биринчи галда, улар учун қулай муҳит,

кафолат ва рағбатлантирувчи иқтисодий омилларни кучайтиришни тақозо этади.

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳамда қўшма корхоналар тузишдан асосий мақсад қуйидаги кўринишдаги иқтисодий тангликлардан чиқиб кетиш ва республикамиздаги мавжуд хўжалик ва молиявий аҳволни барқарорлаштириш; фан-техника тараққиётининг ҳозирги замон талабига мос илмий билимларнинг, техника ва технологияларнинг кенг суръатда ёйилиши, бу эса ўз навбатида, ишчи-ходимларнинг касб ва малака маҳорати даражаси ошишига замин яратиш; янги очилган қўшма корхоналарда ишчи ўринларини яратиб, ишсизлик муаммосини нисбатан бартараф этишга кўмак бериш; давлат бюджетига солиқ тушумларини кўпайтириб, бюджет тақчиллигини олдини олишга зоришиш; рақобатбардош бозор муносабатларини шакллантириш; монополиянинг олдини олиш ва бартараф қилиш; импорт товар ва хизматлар салмоғини камайтириб, экспорт салоҳиятини оширишдан иборатдир.

Ҳар қандай хорижий инвестор қўшма корхона ташкил қилишдан аввал бу тадбир ўзи учун қандай ва қанча иқтисодий самара беришини тахмин қилиб кўради. Агар инвестор ихтиёридаги бойлик бирламчи иқтисодий самара бермаса, у ҳеч қачон ўзга бир давлатда қўшма корхона тузишга рози бўлмайди. Демак, хорижий инвесторлар учун бошқа давлатлардагига қиёслаганда шундай иқтисодий шарт-шароитлар яратиб беришимиз керакки, пировардида, улар ҳам, биз ҳам иқтисодий-ижтимоий самара олайлик. Бунинг учун биз, аввало қўшма корхоналар учун иқтисодий инфратузилмани такомиллаштиришимиз лозим.

Чет эл сармоясидан фойдалансада, ҳар қандай мамлакат аввало ўз иқтисодиётини мустақил иқтисодиёт сифатида ривожлантиришга интилади. Шундай қилиб, ушбу вазиятда маълум қарама-қаршилик мавжуд: миллий иқтисодиётнинг мустақиллигини чет эл инвестицияларини жалб қилиш шарт — шароитлари билан қандай қилиб мослаштириш мумкин? Бу муаммони бутун бошли ташқи иқтисодий алоқалар турларини қўллаган ҳолда ҳал этиш мумкин.

Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бунинг учун ушбу масалага иккала томон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда оқилона ва чуқур мулоҳаза асосида ёндашмоқ лозим.

Чет эл инвесторлари нафақат миллий корхоналарга ўз сармоялари, технологиялари ва бошқарув тажрибасини киритадилар, балки улар жаҳон бозорларига йўл очадилар. Бу эса ўтиш даврини бошидан кечираётган ҳар қандай мамлакат учун ҳаёт — мамот масаласидир.

Чет эл сармояси ўтиш даври иқтисодиётига энг янги жаҳон илмий—техникавий ютуқлари, технологиялари кириб келиши учун муҳим канал сифатида жуда зарурдир. Зеро, у миллий хўжалик субъектларининг ривожланган товар алоқалари учун мослашувларига, улар фаолиятини жаҳон стандартларига мос равишда оқилона ташкил этишга имкон беради. Қўшма корхоналарни солиққа тортиш тартиби, солиқ ставкаси, тури солиқ солиш объекти, солиқ имтиёзларини мукамал ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш, республикамиздаги мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олиб, уларни ўзгартириш ҳақида таклифлар киритиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, амалдаги қоидаларга риоя қилишини кафолатлаш жуда муҳимдир. Ғарб экспертлари хулосасига кўра, чет эл кредитлари ва инвестицияларини қонунчиликдаги ўзгаришлар, солиқ сиёсати ва бошқа хатарлардан суғуртавий ҳимоялаш чет эл сармоясини гаров суммасидан 3-4 марта кўп миқдорда жалб қилиш имконини беради. Чет эл инвесторлари билан биргаликдаги қўшма тадбиркорлик ҳаракатига доир лойиҳаларни тўлиқ амалга ошириш учун республикамизда адолатли фойда олинишини кафолатловчи қулай ва барқарор юридик, иқтисодий шарт-шароитлар яратилмоғи даркор. Республика иқтисодиёт тармоқларига тўғридан-тўғри кириб келаётган чет эл инвестициялари ҳажмининг ортиш эҳтимоли бундай чора — тадбирлар аҳамиятини янада оширади. Хорижий сармояни жалб қилиш ва

фойдаланишдаги муҳим муаммолардан бири-бу инвестиция қўйилмалари шаклини аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда танлашдир.

Қўшма корхоналар фаолият юритишдаги яна бир муҳим муаммо бу миллий валютаимиз сўмни барқарорлиги ва мустаҳкамлиги билан боғлиқдир. Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек: «Бугунги энг муҳим вазифа валютаимизни бақувват, дунёда обрўли валютага айлантиришдир. У юксак қийматга ва катта кучга эга бўлиши лозим. Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва қадрини ошириш — умуммиллий вазифа. Республикаимиздаги барча фуқароларнинг фаровонлиги ана шу вазифанинг ҳал этилишига боғлиқ». Бу муаммони ижобий ҳал қилиш бўйича республика ҳукумати томонидан қатор чора — тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда, яъни республикада валюта сиёсатини эркинлаштириш дастури амалга оширилмоқда. Хусусан, валюта курсларини унификациялаш жараёнини чуқурлаштириш, биржадан ташқари валюта айирбошлаш операциялари миқёсини кўпайтириш ишлари бажарилмоқда. Қилинаётган ишлардан асосий мақсад эса жорий операциялар бўйича тўлиқ конвертацияга тезроқ ўтиш учун зарур шарт — шароитлар яратишга эришишдир. Ушбу мақсадга эришиш учун: биринчидан, миллий валютанинг тўла конвертациялашувига ўтиш жараёни ижобий кечишини таъминлаш ва кафолатлаш мақсадида валюта ресурсларини излаб топиш учун барча халқаро молиявий тузилмалар билан амалий ҳамкорлик қилиш; иккинчидан, валюта айирбошлаш операцияларида қатнашувчи банклар ва айирбошлаш шахобчалари сонини кескин кўпайтириш шу тариқа айирбошлаш шахобчалари орқали валюта сотиш ҳажмини ошириш учун зарур бўлган рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш; учинчидан, айирбошлаш шахобчаларида валюта айирбошлаш операциялари ҳажмининг ўсишини инобатга олган ҳолда, валюта сотиш шартлари ва талабларини эркинлаштириш, яъни валюта сотишдаги чеклашларни босқичма — босқич камайтириб бориш зарур.

Ҳозирги пайтда республикада инвестицион лойиҳаларни дастлабки ғоядан асосланган ҳолатдаги ҳужжатга айлантириш, барча зарур ҳужжатларни тайёрлашга ихтисослашган маслаҳат — инжиниринг компаниялари сони жуда кам. Уларнинг аксарияти давлат тасарруфидаги лойиҳа инжиниринг компанияларидир. Ушбу компаниялар томонидан кўрсатилаётган хизматлар талаб даражасида эмас. Улар хорижий молиявий институтлар шартларига мос келмайди, уларнинг экспертизада лойиҳанинг асосланмаган томонлари — камчиликлари кўзга ташланиб қолмоқда. Бу лойиҳа ҳужжатларининг асосли равишда тайёрланмаганлиги, ҳисоб — китобларда ноаниқликлар мавжудлиги билан изоҳланмоқда.

Маълум бир компания хизматларининг ҳамма учун мажбурий қилиб қўйилиши бозор муносабатлари шартларининг бузилиши, рақобат муҳитига путур етиши, энг асосийси кўрсатиладиган хизматлар сифатининг пасайишига олиб келади. Ушбу соҳада нодавлат ташкилотлари — хусусий сектор улушининг ортишига йўл бериш нафақат юқорида айтиб ўтилган муаммоларнинг ечилишига, балки тадбиркорлар учун ҳозирги замон илғор технологияларини излаб топиш, ташқи бозорга чиқиш, хорижий инвесторлар билан ўзаро фойдали алоқаларни ўрнатиш учун янги имкониятлар яратилишига олиб келади. Республикадаги сиёсий ҳаётга бўлган ташқи таҳдиднинг сақланиб келаётганлиги ҳам жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Шу ўринда Республикамиз биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ушбу сўзларини эслаб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз: «Халқаро хавфсизлик ва барқарорлик муаммоси янги аср бўсағасида ҳамон жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда, фарқ фақат шундаки, эндиликда «совуқ уруш» асоратлари, хуружлари ўрнига тинчлик, барқарорликка таҳдид солувчи куч сифатида халқаро террорчилик ва экстремизм, тажовузкор миллатчилик ва сепаратизм жаҳон сахнасида чиқмоқда». Мамлакатдаги тинч ҳаётга таҳдид солаётган минтақавий можаролар, диний экстремизм ва

фундаментализм, коррупция ва жиноятчилик каби хавфлар республикамизда фаолият юритаётган инвесторларда мамлакатимиздаги инвестицион ҳолатга нисбатан салбий муносабат шаклланишига олиб келиши мумкин. Мамлакатда телекоммуникация ва алоқа тармоқлари жаҳон стандартларига жавоб бера олмаслиги, реклама-ахборот таъминотидаги тақчиллик мавжудлиги ҳам хорижий инвесторлар фаолият юритишига муайян тўсиқ бўлади. Ушбу муаммони барҳам топтириш мақсадида президент фармонида «ахборот тармоғини ҳамда устувор инвестиция таклифларини ва мамлакатимиздаги ва чет элдаги потенциал шериклар тўғрисида ягона маълумот базасини яратиш» белгилаб берилган. Алоқа борасидаги муаммоларни ечишда амалий қадам сифатида 1992—1996 йилларда телекоммуникацияларни тиклаш ва ривожлантириш махсус дастури ишлаб чиқилди. Уни амалга оширишда Жанубий Кореянинг «Затзипд» ва «Оаеллгоо» компаниялари фаол иштирок этди. Натижада, халқаро алоқаларнинг илгари ишлаб турган 13 линияси ўрнига 150 дан ортиқ линияси ташкил этилди. Улар туфайли 6 та Европа мамлакатлари ва Япония билан бевосита алоқа ўрнатилди. Маҳсулот бозори, нуфузли рақобатчиларнинг нарх ва ишлаб чиқариш сиёсати, хом ашё материалларига бўлган имкониятлар, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган экологик ҳолатни баҳолаш бўйича маълумотларнинг етишмаслиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда.

Мамлакатда қулай инвестицион фаолиятни яратиш бўйича амал қилиб келаётган қонуний-ҳуқуқий база, хориж сармояси учун яратилган имтиёз ва қулайликларни тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари суғ кечмоқда. Жойлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш муассасалари томонидан республикада инвестицион фаолиятни тартибга солиш ва ҳимоя қилиш қонуний базасининг тўғри амалга оширилишини суғ назорат қилиш ҳолатлари учрамоқда.

Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғида қонун устуворлигига тўла риоя этиш талаб этилади. Жумладан, хорижий инвесторлар фаолияти тартибга солиш

хукукий базасига риоя қилиш, уларнинг хукуқларини поймол қилмаслик ва ҳимоя қилиш ўзаро келишувлар ва шартларнинг бажарилишига олиб келади.

Аҳоли иқтисодий саводхонлик даражасининг бир оз пастлиги, жамиятнинг хорижий инвесторларга бўлган муносабатининг етарли даражада шаклланмаганлиги аҳолида, маҳаллий ишбилармонларда хорижий инвесторларга бўлган жиддий муносабатнинг шаклланмаслигига сабаб бўлмоқда. Кўпгина ишбилармонлар, хорижий капитал иштирокида маълум бир лойиҳани амалга оширмоқчи ва ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлган маҳаллий тадбиркорларда хорижий инвесторларга бўлган эскича муносабат ҳали ҳам сақланиб келмоқда. Бу собиқ иттифоқ салбий асоратларидан бири ҳисобланади. Яъни кишиларда чет давлатдан келган шахслар (жумладан инвесторлар) ҳар томонлама юқори даражада ривожланган ва айниқса иқтисодий жиҳатдан анча мустаҳкам, деган фикр сақланиб келмоқда. Хорижий инвесторлардан маблағларни иложи борича кўпроқ жалб этиш, инвестиция қайтишига катта аҳамият бермасликка интилиш кучли бўлмоқда. Хорижий инвесторлар маблағлари бу кичик бизнес субъектларига бериладиган беғараз инсонпарварлик ёрдами эмас. Шунинг учун ҳар бир тадбиркор лойиҳанинг молиявий режасини тузишда хорижий инвестор ўрнида ўзини ҳис қилиши ва шунга яраша маблағлар ҳаракати прогнозини тўғри ҳисоблаб чиқиши зарур. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, хорижий инвестор ҳам маҳаллий ҳамкорга ўхшаб, маълум вақтдан сўнг фойда олиш мақсадида маблағларини маълум бир соҳага жойлаштиради. Агар у инвестиция рентабеллигига эришмаса, лойиҳадан кўзланган фойдани олмаса, хорижий инвесторнинг лойиҳага бўлган қизиқиши сусаяди. Бу бошқа инвесторларнинг республикамизда кичик бизнес соҳасига бўлган фикри, муносабатига салбий таъсир этиши мумкин.

Шунингдек, республикамизда ўз иш фаолиятини амалга оширмоқчи бўлган хорижий инвесторларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслик ҳолатлари

хам учрамоқда. Хорижий инвесторларнинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаслиги, жумладан, қўшма корхона низом жағармасига ўз вақтида бадалларни киритмаслиги, бадал киритиш ва асбоб-ускуна етказиб бериш бўйича кафолатларни ўз вақтида тақдим этмаслиги, асбоб-ускуна етказиб бериш ва монтаж қилишда камчилик ва хатоларга йўл қўйиш ҳолатлари мавжуд.

Албатта, республикамизда хорижий инвесторлар иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштиришда муаммолар, ҳал қилинмаган масалалар мавжуд. Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишнинг барча босқичларининг муваффақиятли рўёбга чиқиши хорижий инвесторлар ва уларнинг инвестицияларини иқтисодиётга жалб қилиш ва улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш истиқболларига боғлиқ. Республикада қулай инвестицион муҳитни шакллантириш бўйича ишларни янада кучайтириш бундан буён ҳам мамлакатда узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифамиз бўлиб қолди.

Хорижий инвестициялар фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда ҳам қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд. Жумладан, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида «чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабига риоя этган ҳолда экспорт—импорт операцияларини мустақил равишда амалга оширадилар. Ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотни экспорт қилганларида бундай маҳсулот лицензияланмайди ва квоталанмайди», дейилган. Бизнингча, бу ерда биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қайси қисми лицензияланмаслиги ва квоталанмаслиги тўғрисида аниқлик киритиш зарур.

Республикада хорижий фирмалар ва қўшма корхоналарни имтиёзли равишда солиққа тортишнинг эътиборга лойиқ ҳуқуқий асоси яратилди, инвестиция ва тадбиркорликни ҳимоя қилишга доир бошқа чоралар

кўрилди. Аммо, хорижий капитални жалб қилиш ҳозирча етарли эмас, хорижий капиталли компанияларни очиш ишида бир қатор камчиликлар мавжуд, валюта алмаштириш операцияларида номукаммаллик ва чекланганлик, тадбиркорлик учун инфратузилмани такомиллаштириш (йўллар, алоқа, юқори тоифадаги меҳмонлар ва бошқалар), қатор маҳаллий хўжалик тузилмалари томонидан имзоланган шартнома мажбуриятлари ва унга бўлган арбитраж йўқлиги муаммоси — Республика иқтисодий воқелигининг бошқа салбий жиҳатлари хорижий инвестицияни жадал жалб қилиш ва уни зудлик билан яхлит эркин иқтисодий ҳудудга айлантиришга халақит бермоқда.

Ўзбекистонда хорижий сармояни жалб этишни фаоллаштириш учун қуйидагиларни амалга оширилиши зарур, деб ҳисоблаймиз: инвестиция лойиҳасининг мукаммал тайёрланишига ва малакали экспертдан ўтказилишига эришиш; қўшма корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказишдаги тўсиқларни бутунлай олиб ташлаш.

1- боб бўйича хулосалар

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хорижий инвестицияларнинг кириб келиши ҳамда қўшма корхоналар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг муаммоларини қуйидаги йўналишларга бўлиб ўрганиш ва уларни ҳал этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди: чет эл инвестицияларини миллий иқтисодиётимизга жалб қилиш ва улардан фойдаланиш механизмининг такомиллаштириш; хорижий инвестицияларга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш ва уларнинг амалиётда оғишмай бажарилиши; солиқ қонунчилиги, солиққа тортиш ва божхона йиғимлари тизимининг такомиллаштириш масаласи; адолатли фойда олинишини кафолатловчи қулай ва барқарор юридик, иқтисодий шарт-шароитларнинг яратилиши; инвестиция қўйилмалари шаклини аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда танлаш; миллий валютаимиз сўмнинг тўлиқ конвертациясига эришиш, унинг барқарорлиги ва

мустаҳкамлигини таъминлаш; инвестицион лойиҳаларнинг ҳужжатларини тайёрловчи маслаҳат-инжиниринг компаниялари сонини кўпайтириш; республикадаги сиёсий ҳаётга бўлган таъкид; реклама-ахборот таъминотидаги тақчиллик; телекоммуникация ва алоқа тармоқларининг жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера олмаслиги; маҳсулот бозори, хом ашё материалларга бўлган имкониятлар, янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган экологик ҳолатни баҳолаш бўйича маълумотларнинг етишмаслиги; аҳоли иқтисодий саводхонлик даражасининг бир оз пастлиги, хорижий инвесторларга бўлган муносабатнинг етарли даражада шаклланмаганлиги; баъзи хорижий инвесторларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслиги ва ҳақозолар.

2-боб. Худуд иқтисодиётига хорижий сармояларини жалб этиш ва қўшма корхоналар ташкил қилиш ҳолати таҳлили

1. «Косон-ёғ экстракция» АЖнинг худуд иқтисодиётида тутган ўрни ва маҳсулот ишлаб чиқариш динамикаси

Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Мамлакатда саноат тармоғи корхоналари фаолиятини модернизациялаш жараёни изчил давом этмоқда. Давлат активларини хусусийлаштириш, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш вазифалари қўйилди ва бунинг учун тегишли шароитлар яратилди. Масалан, 506 та мулк комплекси танлов асосида, инвестиция киритиш шарти билан «нол» қийматида янги мулкдорларга сотилди. Бу борада ана шу инвесторлар қарийб 1 триллион сўм ва 40 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш, шунингдек, 22 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, 245 та кам рентабелли ва фаолият кўрсатмаётган ташкилот тўлиқ тугатилди. Хусусийлаштириш дастурида кўзда тутилган, фойдаланилмаётган ва қурилиши тугалланмаган 353 та давлат мулки объекти бузилиб, бунинг натижасида 120 гектар ҳажмидаги ер майдони бўшади. Бу ерларнинг қарийб 80 гектари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш ва

хизматлар кўрсатиш объектлари куриш учун тадбиркорлар тасарруфига берилди.

Давлат мулки шаклидаги яна 319 та ана шундай объект инвентаризация қилиниб, хусусий мулк шаклига ўтказиш учун савдога қўйилди ва ўтган йили уларнинг 102 таси янги мулкдорларга сотилди. Бундан ташқари, 378 та акциядорлик жамиятининг давлат улуши баҳоланди ва чет эллик стратегик инвесторларга сотиш учун очиқ савдога қўйилди.

Маълумки, Қашқадарё вилояти бўйича 2016 йилда хорижий инвестициялар жалб этилиши режалаштирилган 65 та лойиҳадан ташқари қўшимча 10 та, жами 75 та лойиҳа асосида 59453,3 минг АҚШ доллари ёки белгиланган режага нисбатан 100,4 фоиз миқдорида хорижий инвестициялар жалб этилди.

Жалб этилган инвестицияларнинг 26,1 млн. долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, 2,1 млн. долларини хорижий кредитлар, 5,2 млн. АҚШ доллари маҳаллий кредитлар ва 26,1 млн. долларини коҳоналарнинг ўз маблағларини ташкил этди.

Вилоят иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишда қуйидаги камчиликларга йўл қўйилди:

Дастурни амалга оширишда, хорижий ҳамкорлар ва чет эл корхона ва ташкилотлари билан ишлашда малакага эга бўлган ташкилотлар иштироки жуда суст бўлди.

2017 йилнинг 1 январ ҳолати бўйича Қашқадарё вилоятида жами 57 та хорижий инвестициялар иштирокидаги хўжалик субъектлари рўйхатдан ўтказилди, мавжуд корхоналарнинг 45 таси фаолият юритиб, уларда 1192,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Мазкур хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг вилоят саноатидаги улуши 30 фоиздан кўпини ташкил этди.

2016 йил давомида янгидан 5 та қўшма корхона, булар 1 та қурилиш хизмати, 1 та паррандачилик, 1 та қўчмас мулкни сотиш ва ижарага беришдаги воситачилик хизмати ва 1 та чакана савдо ҳамда 1 та мебель ишлаб чиқариш бўйича корхоналар фаолият кўрсата бошлади.

Бироқ, вилоятда жами 12 та қўшма корхона сурункали равишда қуйидаги сабабларга кўра фаолият кўрсатмади:

- лойиҳа ҳужжатларининг сифатсиз ишлаб чиқилганлиги ва уларда маркетинг тадқиқотлари олиб борилмаганлиги («Интертех» Ўзбекистон-Австрия-Бангладеш-Швейцария-Гонг Конг ҚК, «Қамашитекс» ҚК ва б.);

- салоҳиятли хорижий ҳамкорлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги («КОМПАС АКСу» Ўзбекистон-Россия, «SHANRISABZ-TOLA» Ўзбекистон-Британия, «Ўзбаш-Ко» Ўзбекистон-Бошқирдистон ҚК ва б.).

Бундан ташқари 2016 йил 9 ой давомида жами 5 та корхона руйхатдан чиқарилди, бунинг сабаби 1 та қўшма хорижий ҳамкорлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаганлиги сабабли корхона тугатилди («ЎзИталМед» Ўзбекистон-Италия ҚК), 2 та қўшма корхона («Агрос-АВ» ва «Автоцентр Камаз» Ўзбекистон-Россия ҚК) мулкчилик шаклини ўзгартириб МЧЖ бўлди, 2 та қўшма корхона («Барантестил» ва «Мелиотрансқурилиш» ҚК) бошқа вилоятларга кўчиб, ҳудудий ўрнини ўзгартирди.

Вилоятда қўшма корхоналар фаолиятида муаммолар мавжуд бўлиб, уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

2016 йилда вилоят дастурига киритилган ҳудудий тасарруфдаги корхоналар томонидан жами 3789,3 млн.сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, белгиланган йиллик режа кўрсаткичи 132 фоизга бажарилди.

Амалга оширилган ушбу лойиҳалар бўйича 2131 минг АҚШ доллари миқдорида эркин айирбошланадиган валюта иқтисод қилиб қолинди.

Дастурга киритилган Чирокчи туманидаги «Чирокчи кварц» хусусий корхонасининг дала штаби ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича 2016 йилда 7000 тонна (404,0 млн.сўм) маҳсулот ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 8601 тонна (448,8 млн.сўм) маҳсулот ишлаб чиқарилиб, белгиланган йиллик режа 111 фоизга бажарилди.

Қарши шаҳридаги «Саид Мирзо Улуғбек» МЧЖ нинг бир марталик сокол олиш устараси ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича 2016 йилда йиллик режа кўрсаткичи 125 фоизга бажарилди.

«Ал-Саид» МЧЖ нинг диаметри 25-1000 мм бўлган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича 2016 йилда 50,6 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, амалда 269,5 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу кўрсаткич 5,3 мартага кўп бажарилди.

Косон туманидаги «Bonu Cosmetics» МЧЖ нинг шампун ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича 2016 йилда 189,6 минг дона ўрнига амалда 246 минг дона, яъни 525,2 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу кўрсаткич режага нисбатан 3,2 мартага кўп бажарилди.

Китоб туманидаги «Тегирмонмонтажсервис» МЧЖ нинг суткасига 30 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган ун тегирмонлари ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича жорий йилда 153,7 млн.сўм маҳсулот ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, амалда 167,7 млн.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, йиллик режа кўрсаткичи 100 фоизга бажарилди.

Шунингдек, Дастурга киритилган Китоб туманидаги «Воҳа машъали» хусусий корхонасининг лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича 2016 йилда 100 тонна (93,2 млн.сўм) маҳсулот ишлаб чиқариш белгиланган бўлиб, ўтган даврда корхона томонидан 100 тонна (93,3 млн.сўм) маҳсулот ишлаб чиқарилиб, йиллик режа кўрсаткичи 100 фоизга бажарилди.

Ҳозирги кунда Китоб туманидаги «AIST MARMAR» хусусий фирмасининг микрокальцит ишлаб чиқариш, Қарши туманидаги

«Сантехийғмажихоз» МЧЖнинг полимер мраморли ванналар ишлаб чиқариш, Қарши шаҳридаги «Найман-ЭХ» хусусий фирмасининг пластик қопламалар ишлаб чиқариш ва Шаҳрисабз туманидаги «Ахмедов Ақтам Бухорович» МЧЖнинг гофро қутилар ишлаб чиқариш лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида кўриб чиқилмоқда.

Бундан ташқари ҳозирда, Яккабоғ туманидаги «Эфел эко» ИЧКда декоратив мрамар (зинапоялар, сувенир учун ҳайкалчалар, балконлар, калонналар ва бошқалар) ишлаб чиқариш, «Шукуров Равшан Шукурович» ХФнинг полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш, Деҳқонобод туманидаги «RUSTAM STARCH» МЧЖ томонидан крахмал ишлаб чиқариш, Қарши шаҳридаги «UZGERSOV» МЧЖ шаклидаги қўшма корхонасида косметик совун ишлаб чиқариш лойиҳалари бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Бозор иқисоди ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатадики, улар ўз иқтисодини юксалтириш жараёнида у ёки бу турдаги хорижий инвестициялардан фойдаланган. Бундай тажриба бизнинг республикамизга ва қолаверса Қашқадарё ҳудудига ҳам хос хусусият, албатта. Хорижий инвестициялар иқтисодиёт тармоқлари иқтисодига жалб этилган тақдирда бу тармоқлар босқичма-босқич ривожланади, шунингдек қатор иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий самаралар олинади. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, ишсизлик камаяди;
- иккинчидан, товар ва хизматларнинг асосий ўлчов мезони бўлган сифат яхшиланади;
- учинчидан, мамлакатда импорт қилиниши лозим бўлган товарлар ва хизматлар ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, натижада валюта захиралари тежалиши билан бирга, валюта даромадлари кўпаяди;

- тўртинчидан, давлатлараро иқтисодий яқинлашув, сиёсий музокаралар орқали стратегик ҳамкорлик қилишга туб асос яратилади. Юқорида зикр этганимиздек, ушбу йуналишлар назарий томондан асослаб берилган. Бирок қатор объектив, субъектив ҳодиса ва ҳолатлар сабабли уларни амалга ошириш жараёни турлича кечади. Мазкур объектив ва субъектив сабабларнинг туб моҳиятини очиш учун Қашқадарё вилоятининг йирик қўшма корхоналаридан «Косон ёғ-экстракция» ва «Қарши ёғ-экстракция» АЖларининг фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

«Косон ёғ-экстракция» акциядорлик жамияти акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2010 йил 13 ноябрдаги 30-сонли «Косон ёғ-экстракция» Ўзбекистон Америка қўшма корхонасини очиқ акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисидаги қарорига асосан ташкил этилган.

Жамиятнинг асосий фаолият доираси, истеъмолчиларнинг манфаатларига жавоб берадиган маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш, ва турли фаолият соҳаларида хизматларга эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади.

Жамият устав фондининг миқдори 2 392 403 200 (икки миллиард уч юз тўқсон икки миллион тўрт юз уч минг икки юз) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 2 200 (икки минг икки юз) сўм бўлган 1 075 949 (бир миллион етмиш беш минг тўққиз юз қирқ тўққиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий ва 11 507 (ўн бир минг беш юз етти) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялардан иборат.

Энди жамиятнинг 2013-2016 йиллар давомида ишлаб чиқарган маҳсулотлар динамикаси билан танишиб чиқамиз ва қуйидаги жадвалда акс эттирамиз.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ҳажми 2013 йилда 15,8 минг тоннани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилда 17,6 минг тоннага тенг бўлган.

1.1-жадвал**«Косон ёғ-экстракция» АЖда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар динамикаси**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			
		2013	2014	2015	2016
Пахта толаси	м.тонна	23,4	24,9	26,8	28,2
Ўсимлик мойи	м.тонна	15,8	10,3	16,4	17,6
Шрот	м.тонна	41,4	26,0	40,1	51,2
Шелуха	м.тонна	22,3	16,9	28,2	35,4
Хўжалик совуни	тонна	823,0	464,0	1001,0	1210,0

Манба: «Косон-ёғ экстракция» АЖнинг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Маълумки, қайта ишлашни замонавийлаштириш ва ривожлантириш - қўшимча қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги ишчи ўринларни ташкил этиш, республикага чет эл валюта тушумини кўпайтиришга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июндаги ПҚ 651-сонли «2007-2011 йиллардаги даврда ёғ-мой саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида»ги қарорига асосан «Косон ёғ-экстракция» ҚҚда 2007-2011 йилларда 22 та эски ускунани алмаштириш бўйича Дастур ишлаб чиқилган бўлиб, 2009 йилнинг II-чорагида 1 та линияни модернизация қилиш белгиланиб, ўтган даврда 16 млн.сўмга 1 та ускуна олиб келинди ва қайтадан жиҳозланди. Натижада қадокланган ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш қуввати 500 бут/соатдан 800 бут/соатга етказилди.

Соҳага қарашли корхоналар томонидан ўтган даврда 3039,7 минг АҚШ доллари миқдорида саноат маҳсулоти экспорт килинди.

Жумладан, экспорт ҳажми Ғузор туманидаги «Ғузор флоур» МЧЖда 954,5 минг АҚШ долларини, Қарши шаҳридаги «Дунё-М» ОХЖда 1322,7 минг АҚШ долларини, Шаҳрисабз туманидаги «Дон халқ ризқи» ОХЖда 629,8 минг АҚШ долларини ташкил этди.

1.2-жадвал

**«Косон ёғ-экстракция» АЖда 2013-2016 йилларда қайта ишланган
пахта чигити ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тўғрисида таҳлилий
маълумот**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			
			2013	2014	2015	2016
1	Пахта чигити	тн	95833,3	60185,2	92824,1	94075,8
3	Жами хом-ашёси	тн	290404,0	182379,4	281285,2	291256,4
4	Тозаланмаган пахта ёғи	тн	17633,3	11074,1	17079,6	17027,7
5	Пахта шрот	тн	41400	26000	40100	44780
6	Пахта шелуха	тн	22300	16900	28200	32350
7	Табиий йўқотиш	тн	5079,2	3189,8	4919,7	4938,03
8	Тозаланган пахта ёғи	тн	84812,5	53264,0	82149,3	82974,8
9	Соапсток	тн	9487,5	5958,3	9189,6	12125,1
10	Қайтмайдиган йўқотиш	тн	1533,3	963,0	1485,2	1325,8
11	Қадоқланган пахта ёғи	тн	80571,8	50600,8	78863,3	92455,7
12	1 л қадоқланган пахта ёғи	дона	41400	41500	41495	42300
13	3 л қадоқланган пахта ёғи	дона	26844	16853	78822	80150
14	Хўжалик совуни ишлаб чиқариш	тн	823,0	464,0	1001,0	1200
15	Жами хўжалик совуни	дона	27163	27163	27163	28135
16	Жами сотилган маҳсулот	тн	160935,4	106276,2	163707	177271,0
17	Жами сотилган маҳсулот	дона	96632	86741	148705	152040
18	Сотишган тушган пул тушуми	минг сўм	38480085	22909741	43102551	51104557

Манба: «Косон-ёғ экстракция» АЖнинг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

1.2-жадвалда «Косон ёғ-экстракция» АЖда кейинги 2013-2016 йиллар давомида пахта хом ашёсини қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотлар динамикаси таҳлил қилинган бўлиб, бундан кўринадикки, пахта чигитидан 18,4 фоизи тозаланмаган пахта ёғи ва қолган 81,6 фоизидан тозаланган пахта ёғи олинган. Жадвал маълумотларини таҳлил қилганимизда «Косон ёғ – экстракция» акционерлик жамиятига 2016 йилда 291256,4 тонна пахта хом-ашёси қабул қилиниб, унинг 32,3 фоизидан пахта чигити олинган. Корхонада асосан 1 л, 3 л ва 5 л пахта ёғлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бирок корхонанинг технологик ускуналари замонавий ускуналар билан тўлиқ жиҳозланмаган. Айниқса пахта ёғи олишда қайтмайдиган йўқотишлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бораётганлигини жадвал маълумотлари таҳлилидан ҳам кўриш мумкин.

Қуйидаги 1.3-жадвал маълумотлари таҳлилидан шу нарса маълум бўлдики, энг юқори харажатлар, яъни жами ишлаб чиқариш харажатлари таркибида хом ашё учун қилинган харажатлар 65 фоизни, иш ҳақи харажатлари эса 11-12 фоизни ташкил этмоқда. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, 2016 йилда 2013 йилга нисбатан харажатлар суммаси 124,04 фоизга ошган.

Корхонанинг молиявий натижаларини 1.4-жадвалда берилган маълумотлар асосида таҳлил қилганимизда 2016 йилда олинган фойда ҳисобидан рентабеллик даражаси 30,2 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2013 йилда нисбатан 1,4 мартага ошганлигини кўриш мумкин. Демак, «Косон ёғ-экстракция» АЖида кейинги йилларда технологик жиҳозланишнинг амалга оширилиши натижаси десак, хато бўлмайди. Ҳозирги давр талаби ҳам саноат корхоналарини модернизация қилиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш долзарб масалага айланиб бормоқда.

1.3-жадвал

«Косон ёғ-экстракция» АЖнинг маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида таҳлилий маълумот

№	Кўрсаткичлар	2013 йил		2014 йил		2015 йил		2016 йил		2016 йилда 2013 йилга нисб. ўзг. % ҳисоб.
		Қиймати, минг сўм	улуши %	Қиймати, минг сўм	улуши %	Қиймати, минг сўм	улуши %	Қиймати, минг сўм	улуши %	
1	Хом ашё	20572545,5	65	11504800,5	65	22256147,6	65	25519186,6	65	124,0
2	Ёрдамчи метариаллар	2848506,3	9	1734569,9	9,8	3458262,9	10,1	3533425,8	9	124,1
3	Иш хақи	3798008,4	12	2000065,3	11,3	3834905,4	11,2	4789755,0	12,2	126,1
4	Ишчи ходимларни малакасини ошириш ва рағбатлантириш	759601,7	2,4	407092,9	2,3	753285	2,2	942246,9	2,4	124,04
5	Амортизация ажратмалари	759601,7	2,4	407092,9	2,3	753285	2,2	785205,7	2,0	103,4
6	Электр энергия	1424253,2	4,5	796486,2	4,5	1575050,4	4,6	1805973,2	4,6	126,8
7	Иссиқлик энергия	1487553,3	4,7	849585,3	4,8	1609290,7	4,7	1884493,8	4,8	126,7
	Ишлаб чиқариш харажатлари	31650070	100	17699693	100	34240227	100	39260287	100	124,04

Манба: «Косон-ёғ экстракция» АЖнинг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

1.4-жадвал

"Косон ёғ - экстракция" АЖнинг молиявий натижалари таҳлили

№	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Йиллар				2016 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариши (%) ҳисоб.
			2013	2014	2015	2016	
1	Маҳсулот сотишдан соф тушум	минг.сўм	38480085	22909741	43102551	51104557	132,8
2	Сотилган маҳсулотларни таннари	минг.сўм	31650070	17699693	34240227	39260287	124,0
3	Фойда (зарар)	минг.сўм	6830015	5210048	8862324	11844270	173,4
4	Давр харажатлари	минг.сўм	4053043	3637198	6509526	7852057	193,7
5	Асосий фаолиятдан фойдаси	минг.сўм	3177339	1763080	2899337	3277169	103,1
6	Молиявий фаолиятдан даромад	минг.сўм	153551	297292	55292	613365	399,5
7	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	минг.сўм	1031214	460389	490757	678534	65,6
8	Умумхўжалик фаолиятидан фойдаси	минг.сўм	2299676	1599983	2463872	2753976	119,8
9	<i>Рентабеллик даражаси</i>	%	21,6	29,4	25,9	30,2	<i>1,4 пунктга ошган</i>
10	Даромад солиғи ва бошқа йиғимлар	минг.сўм	472927	336920	529817	827814	175,0
11	Ҳисобот даврида соф фойдаси	минг.сўм	1826749	1263062	2934055	4816456	208,9
12	<i>Рентабеллик даражаси</i>	%	5,8	7,1	8,5	12,2	<i>1,7 пунктга ошган</i>

Манба: «Косон-ёғ экстракция» АЖнинг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2. Қўшма корхоналар ташкил этишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили

Бугун мамлакатимизда шундай амалий тажриба тўпландики, унга кўра, Ўзбекистон шароитида юртимиз сармоядорлари билан бир қаторда чет эллик инвесторлар акцияларга эга бўлган мулкчилик шакли энг мақбул бўлиб, ҳар жиҳатдан ўзини оқламоқда.

Ҳозирги кунда юртимизда 90 дан ортиқ давлатнинг хорижий инвесторлари иштирокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган ушбу компаниялар Ўзбекистонда ҳам, унинг ташқарисида ҳам яхши маълум.

Ўзбекистон ҳудудида тўлиқ чет эл капитали ва корпоратив бошқарувнинг хорижий усулларига асосланган корхоналар муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Мазкур хорижий компаниялар тажрибаларини чуқур ўрганишимиз ва уларнинг таҳлили асосида корхоналаримиз учун корпоратив бошқарувнинг намунавий тузилмаларини яратишимиз, реал иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларидаги акциядорлик жамиятларининг бошқарув тизимини айти шу асосда ислоҳ қилган ҳолда, уларни амалиётга фаол жорий қилишимиз зарур.

Бугунги кунда дунёда рўй бераётган воқеалар мавжуд маҳаллий хомашё базаси асосида импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мамлакатимизнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлай олишини яққол кўрсатиб турибди.

Маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш борасида тўплаган тажрибамиз бизнинг ташқи омилларга боғлиқлигимизни камайтириш, ички талабни шакллантириш ва бозорларимизни зарур истеъмол товарлари ҳамда бутловчи маҳсулотлар билан тўлдириш, ташкил этилган ишлаб чиқариш қувватларининг тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш, валюта ресурсларини

тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича муҳим рол ўйнашини амалда тасдиқламоқда.

Саноат ишлаб чиқаришида маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажмининг жадал ўсиб бораётгани бунинг амалий тасдиғидир.

2005-йилда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар 9,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2016-йилда бу кўрсаткич қарийб 22 фоизга етди.

Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига барча манфаатдор вазирлик, идора, уюшма ва компанияларни кенг жалб этган ҳолда, 2015-2019 йилларга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материалларни маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқариш бўйича дастур тайёрлаш вазифаси топширилди.

Фикримизча, бу вазифаларнинг амалга оширилиши, ўз навбатида, акциядорлик жамиятларини ривожлантириш, жамиятимиздаги барқарорликнинг мустаҳкам асоси ҳисобланган мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришда ва мустаҳкамлашда рағбатлантирувчи янги омил ва имкониятлар яратади.

«Қарши-ёғ экстракция» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикасидаги «Ёғ-мой ва озиқ овқат саноати» уюшмаси таркибидаги юртимизнинг энг йирик корхоналардан бири сифатида фаолият юритмоқда.

Жамият томонидан тозаланган ўсимлик ёғи, атир совун, 60 ҳамда 70 фоизли хўжалик совуни, техник ва озуқавий саломас, 94 ҳамда 98 фоизли глицерин, дистерланган соапсток ёғ кислотаси, пальмитин, суюлтирилган совун, хлопокс, косметин стеарин, гудрон, шелуха, кунжара ва бошқа ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқаради.

«Қарши-ёғ экстракция» акциядорлик жамиятида 2015-2016 йилларда ишлаб чиқариш ва молиявий ҳисоб натижалари қуйидагича кўринишга эга бўлган (1.5-жадвал).

«Қарши-ёғ экстракция» акционерлик жамиятининг 2015-2016

йиллардаги техник иқтисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткич номи	2015 йил	2016 йил					
		Режа	Ҳақиқат	2016 йил		2015 йил	
				мутлоқ	фоиз	мутлоқ	фоиз
Амалдаги нарх-ларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, <i>минг сўм</i>	13162651	16826486	20366655	3540169	121	7204004	154.7
Қиёсий нархларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, <i>минг сўм</i>	15489867	16326466	17854832	1528366	109.4	2364965	115.3
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, <i>минг сўм</i>	18776032	15883163	17889656	2006493	112.6	-886376	95.3
Чигитни қайта ишлаш, <i>тн</i>	1452	54400	43779	-10621	80.5	42327	3015.1
шу жумладан, пахта чигити, <i>тн</i>	1308	54400	43779	-10621	80.5	42327	3015.1
кунгабоқар дони, <i>тн</i>	144	-	-	-	-	-	-
Қора ёғ, <i>тн</i>	261	10600	7918	-2682	74.7	7657	3033.7
шу жумладан, пахта ёғи, <i>тн</i>	218	10600	7918	-2682	74.7	7657	3033.7
кунгабоқар ёғи, <i>тн</i>	43	-	-	-	-	-	-
Оқланган ёғ, <i>тн</i>	327	9433	6507	-2926	69	6180	1989.9
шу жумладан, пахта ёғи, <i>тн</i>	289	9433	6507	-2926	69	6180	1989.9
кунгабоқар ёғи, <i>тн</i>	38	-	-	-	-	-	-
оқланган олий нав пахта ёғи, <i>тн</i>	29	1402	1133	-269	80.8	1104	3906.9

Доғланган ёғ, <i>тн</i>	961	4792	2619	-2173	54.7	1658	272.5
Қадоқланган ёғ, <i>тн</i>	1152	4764	4519	-245	94.9	3367	392.3
Хўжалик совуни, <i>тн</i>	6972	1800	2409	609	133.8	-4563	34.6
Атир совуни, <i>тн</i>	690	-	-	-	-	-	-
Саломас жами, <i>тн</i>	4564	-	-	-	-	-	-
Тех.саломасдан ЖК, <i>тн</i>	3753	-	-	-	-	-	-
Глицерин дистер- ланган, <i>тн</i>	351	-	-	-	-	-	-
Пахта кунжараси, <i>тн</i>	651	25221	19631	-5590	77.8	18980	3015.5
шу жумладан, кун- габоқар кунжара- си, <i>тн</i>	75	-	-	-	-	-	-
Шелуха	440	17204	13875	-3329	80.6	13435	3153.4

Манба: «Косон-ёғ экстракция» АЖнинг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

1.5.-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Қарши-ёғ экстракция» акциядорлик жамиятида 2016 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми амалдаги нархларда 16,8 млрд.сўм режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 20,4 млрд.сўм ёки 121 фоизга бажарилиб, қиёсий нархларда эса 16,3 млрд.сўм режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 17,8 млрд.сўм ёки 109.4 фоизга, ўтган 2014 йилга нисбатан 115,3 фоизга бажарилди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 15,9 млрд.сўм режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 17,9 млрд.сўмга ёки 112,6 фоизга бажарилди. Ўтган 2015 йилга нисбатан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 95,3 фоизни ташкил этган.

2016 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича режа топшириқлари техник чигитни қайт ишлаш, қора ёғ ва оқланган ёғ ишлаб чиқариш режаси бажарилмаганлиги корхона бошқа жойга кўчирилиши сабаб бўлганлигини кўрсатиш мумкин. Дарҳақиқат, корхона 2012 йил 19 февраль куни янги манзилда ишга туширилди.

Шунга қарамай ўсиш сурати 115,3 фоизга бажарилди ва ўтган йилга нисбатан 4563 тн хўжалик совуни кам ишлаб чиқарилди. Шу сабабли халқ истеъмоли моллари ўсиш сурати ҳажми бажарилмади.

Корхонанинг молиявий натижаларнинг шаклланиши бўйича таҳлилни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида бериш мумкин (1.6-жадвал).

1.6 -жадвал

**«Қарши-ёғ экстракция» акционерлик жамиятида 2016 йилдаги
молиявий натижаларнинг таркиби, тузилиши ва динамик
ўзгаришларининг таҳлили.**

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		ўзгариши (+,-)	
	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлан- гунгача бўлган фойдага нисб. салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Солиқ тўлан- гунгача бўлган фойдага нисб. салмоғи, %	Суммадаги	Салмоғидаги
1. Маҳсулот (иш, хизмат) лар сотиш-дан олинган ялпи фойда	25074292	396,1	36659884	807,9	11585592	411,8
2. Давр харажатлари ва асосий фаолият-нинг бошқа жараён-ларидан даромад ва харажатлар	-3932358	-62,1	-4237576	-93,4	-305218	-31,3
3. Асосий ишлаб чиқариш фаолияти-нинг ялпи молия-вий натижаси	6225205	98,3	4789087	105,5	-1436118	7,2
4. Умумхўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	6330648	100,0	4537626	100,0	-1793022	0

5. Фавкулотдаги фойда ва зарарлар	0	0	0	0	0	0
6. Даромад солиғи тўлагунга кадар фойда (зарар)	6330648	100,0	4537626	100,0	-1793022	0
7. Даромад (фойда) дан солиқ ва бошқа солиқлар	1035785	16,4	551799	12,2	-483986	-4,2
8. Ҳисобот давридаги соф фойда ёки зарар	5294863	83,6	3985827	87,8	-1309036	4,2

Манба: «Косон-ёғ экстракция» АЖнинг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриниб турибдики, «Қарши-ёғ экстракция» акциядорлик жамиятида маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда 2015 йил бошига нисбатан йил якунида 11585592 минг сўмга кўпайган бўлиб, 36659884 минг сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич соф фойдага нисбатан қарийиб 8 баробарга кўпдир.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси эса таҳлил қилинаётган даврда 1436118 минг сўмга камайган. Умумхўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси ҳам 1793022 минг сўмга камайган бўлиб, йил бошида 6330648 минг сўмни ва йил охирида 4537626 минг сўмни ташкил қилган. Ҳисобот даврининг соф фойдаси йил якунида 1309036 минг сўмга пасайган. Корхона молиявий натижаларининг пасайишига таъсир кўрсатган омил корхонани бошқа ҳудудга кўчиши билан боғлиқдир.

Энди вилоятнинг ёғ-мой саноатида фаолият юритаётган «Косон-ёғ экстракция» ва «Қарши-ёғ экстракция» акционерлик жамиятларининг молиявий натижаларини таққослаймиз ва қуйидаги жадвалда таҳлил қиламиз (1.7-жадвал).

Корхона хўжалик фаолиятинининг охирги натижаси рентабеллик кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.

**«Косон-ёғ экстракция» ва «Қарши-ёғ экстракция» акционерлик
жамиятининг рентабеллик кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир
этувчи омиллар таҳлили (2016 йил)**

Кўрсаткичлар	Қарши-ёғ экстракция	Косон-ёғ экстракция	Фарқи (+;-)
1. Маҳсулот (иш, хизмат) лар сотишдан олинган соф тушум, минг сўм	36659884,0	51104557,0	14444673
2. Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари, минг сўм	27633221,0	39260287,0	11627066
3. Маҳсулот (иш, хизмат) лар сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	4789087,0	11844270,0	7055183
4. Соф фойда, минг сўм	3985827,0	4816456,0	830629
5. Рентабеллик даражаси (фойдага нисбатан) %	17,3	30,2	12,9
6. Рентабеллик даражаси (соф фойдага нисбатан) %	14,4	12,2	-2,2

Манба: “Косон-ёғ экстракция” ва “Қарши-ёғ экстракция” АЖнинг ҳисоботлари асосида муаллиф ишланмаси.

Корхонада бухгалтерия баланси йил якунида ортган бўлишига қарамасдан, корхонанинг молиявий натижалари харажатларни ортиб кетиши ҳисобига ёмонлашганлиги маълум бўлди. Табиий ҳолда ушбу вазият корхонанинг рентабеллик кўрсаткичларида ҳам ўз аксини топади. Яъни рентабелликнинг барча кўрсаткичларида ҳисобот даврида тушкунлик ҳолати кузатилган. Маҳсулот сотиш рентабеллиги 4.2, асосий воситалар рентабеллиги 82.9, айланма маблағлар рентабеллиги 25.7, таннарх рентабеллиги 6.7, ўз маблағлари рентабеллиги 15.3, мол-мулк рентабеллиги 18.4, умумий рентабеллик ва қарз маблағлари рентабеллиги мос равишда 14.9 ва 189.2 фоизга камайган. Бу ҳолни корхонада давом этиб бориши инновацион фаолиятни ташкил этиш ишларига салбий таъсир кўрсатади. Чунки корхонада мавжуд бўлган технологик

жараённинг асосий воситалари жуда эски ва маънавий эскирган ҳисобланиб, замон талабаларига жавоб бермайди.

Ҳозирда корхонадаги барча цех, хўжалик ва участкаларда фойдаланилаётган жиҳозлар 1952 йилдан бошлаб 60, 70-йилларнинг ҳам жиҳозларидан фойдаланиб келинмоқда. Корхонада тезкорлик билан реконструкция ишларини амалга ошириш лозим. Бу ҳолат корхонада инновацион фаолиятни такомиллаштиришга ва инновацион стратегияни ишлаб чиқишга туртки бўлиб хизмат қилади.

Тайёрлов бўлимининг ўзида 4 номдаги жиҳозлар келтирилган бўлиб, пневматик тозалов жиҳози 1952 йилда ишлаб чиқарилган. Унинг суткалик қуввати 120 тонна. Кейинги жиҳоз дискли тозалагич бўлиб, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, суткалик ишлаб чиқариш қуввати 160 тонна. Иккитали силташ жиҳози ҳам 1988 йилда ишлаб чиқарилган бўлиб, уни ҳам суткалик ишлаб чиқариш қуввати 160 тонна. Бўлимдаги охириги жиҳоз биттер сеператори бўлиб, суткалик ишлаб чиқариш қуввати 80 тонна, 1988 йилда ўрнатилган.

Рафинация ёғини ишлаб чиқарувчи цехда форпресс ёғини нейтрализатори 1952 йилда ишлаб чиқарилган бўлиб, шу кунга қадар корхонада фойдаланиб келинмоқда. Ушбу цехда яна учта жиҳоз 1966 йилда ишлаб чиқаришга жалб этилган. Бошқа барча цехларда ҳам шунга ўхшаш эски маънавий эскириб қолган жиҳозлардан фойдаланиб келинмоқда. Ушбу ҳолатни бартараф этиш учун корхонада инновацияларни такомиллаштириш ва ўзига хос инновацион стратегияни ишлаб чиқиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

3. «Косон ёғ-экстракция» АЖ иқтисодиётига киритилган инвестициялар таҳлили

Саноатни техник янгилаш, уни модернизациялаш ва диверсификациялаш асосида корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини ошириш,

экспорт салоҳиятини юксалтириш кучли инвестиция сиёсати юритиш орқали амалга оширилади ҳамда қуйидагилар билан белгиланади:

- халқаро иқтисодий алоқалар эркинлигини янада жадаллаштириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юргизиш;

- хорижий сармояларни бевосита капитал маблағлар тарзида республика иқтисодиётига кенг жалб этиш учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни янада такомиллаштириш лозим;

- саноатнинг ўзак тармоқларига, ҳозирги даврда жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган «ноу-хау» технологияларини киритадиган, миллий саноатимизнинг замонавий структурасини вужудга келтиришда ўзининг техника ва технологияси билан актив иштирок этадиган хорижий сармоядорларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юргизиш;

- маблағларни энг устувор соҳаларга – миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишига асосан, саноат тармоқларига, ёқилғи-энергетика комплексларига, аграр секторга ва бошқа базавий тармоқларни ривожлантиришга қаратиш.

Чет эл инвестициясини жалб қилиш орқали саноат корхоналарининг ўзак тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш имконияти ортади, бу эса республикамызда қулай ва пухта инвестицион муҳит яратиш орқали, миллий иқтисодиётни янада барқарор ва халқаро бозорларда рақобатбардош бўлишини таъминлайди.

Шундай қилиб, саноатга хорижий инвестицияларни жалб этиш зарурлиги ва иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни юзасидан умумий тарзда қуйидагича хулосалар қилиш мумкин:

- саноатга хорижий инвестицияларни жалб этиш зарурияти миллий иқтисодиётни жаҳон иқтисодиётига яқинлаштириш, иқтисодиётни бозор муносабатлари асосларига ўтказиш, бозор ислохотларини ва таркибий

Ўзгаришларни амалга оширишда фақатгина ички молиявий иқтисодий ресурсларнинг етишмаслиги билан изоҳланади.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги саноат корхоналарининг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамиятига боғлиқ ҳолда мамлакатимизда тўртта асосий тамойил амал қилади. Булар ташқи иқтисодий фаолиятни янада жадаллаштириш сиёсатини юритиш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишни таъминлайдиган ҳукуқий ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш, хорижий инвестициялар учун «очиқ эшиклар» сиёсатини изчил амалга ошириш, хорижий инвестицияларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ энг муҳим устувор соҳаларга жойлаштиришдан иборат.

- саноат корхоналарига хорижий инвестиция жалб қилиш орқали техник янгилаш, модернизация ва диверсификациялашни амалга ошириш;

- халқаро талаблар даражасидаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

- саноат корхоналари ишлаб чиқариш маҳсулотларининг экспорт даражаси ортади ва шу билан бирга импорт даражаси пасаяди;

- саноат корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги таъминланади.

Асосий воситалар билан таъминланганлик корхонанинг техник жиҳатдан таъминланганлигини, меҳнат ва ишларнинг механизациялашганлиги ва автоматлашганлигини коэффициент орқали ифодалайди. Бу кўрсаткичлар орқали ҳар бир корхонанинг моддий-техника базаси билан таъминланганлик даражасини аниқлаш мумкин. Шу туфайли ушбу кўрсаткичлар асосий кўрсаткичлар ҳисобланади (1.8-жадвал).

**Асосий воситалар (Ав.) билан таъминланганликни ифодаловчи
кўрсаткичлар**

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
1. Фондлар билан қуролланганлик даражаси	Битта ходимга тўғри келадиган фаол Ав. қийматини ифодалайди	Ав.ф./Ис
2. Техник таъминланганлик коэффиценти (Кт.т)	Ишлаб чиқариш ускуналари суммасининг энг катта сменадаги ишчилар сонига нисбати	И.ус/Ис
3. Натижанинг фондлик даражаси (Фонд сифими)	1 сўм натижа кўрсаткичига қанча Ав. суммаси тўғри келишини кўрсатади	Ав./Q
4. Ўз маблағларининг (Ум.) Ав. билан таъминланганлиги	1 сўм ўз маблағларига қанча Ав. суммаси тўғри келишини ёки ўз маблағларининг капиталлашганлик даражасини ифодалайди	Ав/Ўм

1. Фондлар билан қуролланганлик даражаси асосий ишлаб чиқариш воситалари қийматининг (бошланғич баҳоланиши бўйича) энг катта сменадаги ишчилар сонига нисбатидир. У ишчиларнинг меҳнат қуроллари (асосий воситалар) билан таъминланганлик даражасини акс эттиради ва қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Кф.т = Ав/Ис,$$

бунда:

Кф.т – ходимларнинг асосий воситалар билан таъминланганлик коэффиценти;

Ави – асосий ишлаб чиқариш воситалари қиймати;

Ис – энг катта сменадаги ишчилар сони.

Таҳлил қилиш учун 3-шакл молиявий ҳисобот ва 1-Т шакл статистик ҳисоботдан маълумотлар олинади.

2. Техник таъминланганлик коэффиценти (Кт.т) ишлаб чиқариш ускуналари суммасининг (яъни асосий воситалар актив қисмининг) энг катта сменадаги ишчилар сонига нисбати сифатида ҳисобланади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{т.т} = I_{у.с} / I_{с},$$

бунда:

Кт.т – техник таъминланганлик коэффиценти;

И.ус – ишлаб чиқариш ускуналари суммаси.

3. Маҳсулотнинг фонд сиғими 1 сўм натижа кўрсаткичига қанча асосий восита суммаси тўғри келишини кўрсатади ва қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\Phi_{с} = A_{в.} / Q$$

Фонд сиғими капитал қўйилмалари (инвестициялар)ни тежаш ёки кўпайтириш билан узвий равишда боғлиқ бўлади. Масалан, маҳсулот фонд сиғими пасайиб, унинг ишлаб чиқариш ҳажми доимий ёки ўсувчи бўлганда асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш шароитлари яхшиланади, демак, капитал қўйилмаларини тежаш учун имконият туғилади. Уни топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\mathcal{E}_{к} = \Phi_{с.ўз} \times Q$$

Бу ерда:

Э_к – капитал қўйилмаларни тежаш, сўм;

Фс.ўз – ҳисобот йилида маҳсулот фонд сиғимининг ўтган йилдагига нисбатан ўзгариши, сўм.

Корхонада инновацияларни ташкил этиш ва жадаллаштириш кучли молия ва иқтисодиётни талаб этади. Қуйида «Косон-ёғ экстракция» акциядорлик

жамиятининг инновацияларни жалб этиш учун имкониятларига иктисодий баҳо берилади (1.9-жадвал).

1.9-жадвал

2016 йил бўйича «Косон ёғ-экстракция» акциядорлик жамиятининг бухгалтерия балансининг актив моддаларининг таҳлили

Мол- мулкнинг таркиби	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)		
	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Суммадаги, минг сўм	Салмоқдаги, %	Йил бошига нисбатан ўсиши, %
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8=6\2*100
1. Узоқ муддат- ли активлар	5167911	34,3	9398226	39,7	4230315	5,3	81,9
2. Жорий активлар	9878688	65,7	14284331	60,3	4405643	-5,3	44,6
Шу жумладан:							
А) Товар-мод- дий захиралари	5190880	34,5	6661637	28,1	1470757	-6,4	28,3
Б) Пул маблаг- лари ва қисқа муддатли кўйилмалар	2343598	15,6	896508	3,8	-1447090	-11,8	-61,7
В) Дебиторлар	2326486	15,5	6697537	28,3	4371051	12,8	187,9
Баланс активининг жами	15046599	100	23682557	100	8635958	0	57,4

Манба: «Косон-ёғ экстракция» АЖнинг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

1.9-жадвал маълумотларидан кўринадики, «Косон-ёғ экстракция» акциядорлик жамиятнинг баланс таркибида активлар структураси йил бошига узоқ муддатли активлар учун 34.3 фоиз ва жорий активлар учун 65.7 фоизга тўғри келади.

Активларнинг бундай жойлашуви озиқ-овқат саноати тармоғи учун мақбул тақсимот бўлиб, корхонадаги ТМЗлари жами активларнинг 34.5 фоизини,

дебиторлик қарзлари ва пул маблағлари мос равишда 15.5, 15.6 фоизларни ташкил этган. Йил охирига активларнинг таркиби бироз ўзгарган бўлиб, бу ҳам мақбул вазиятни ёмонлашуви сифатида кўрилмайди. Аммо дебиторлик қарзларининг баланс таркибидаги улуши 28.3 фоизни ташкил этиб йил бошига нисбатан 12.8 фоизга ортган. Дебиторлик қарзларининг ўзи 187.9 фоизга ошган. Шу билан бирга, корхонанинг умумий активлари 57.4 фоизга кўпайган. Жами баланснинг ортиши активларнинг барча бўлимларига бирдек таъсир кўрсатган. Айниқса, узоқ муддатли активларни ҳисобига жами баланс 81.9 фоизга ортган.

«Косон-ёғ экстракция» акциядорлик жамияти баланснинг актив моддалари таҳлилидан кўринадик, инновацияларни жалб этиш учун корхонадаги бўш пул маблағлари камайиб бормоқда. Пул маблағларининг камайиб бориши одатий ҳол бўлишига қарамасдан, бошқа жорий активларни ҳам даврий равишда камайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу ҳол тезкорлик билан инновация фаолиятини такомиллаштиришни назарда тутаяди. Баланснинг бу каби ўзгаришини пассив моддалар таҳлилини таҳлил қилиш асосида ўрганилади (1.10-жадвал).

1.10-жадвал

«Косон ёғ-экстракция» акциядорлик жамиятининг бухгалтерия балансининг пассив моддалари таҳлили

Мол-мулкни ташкил топиш манбаининг таркиби	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши (+,-)		
	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Сумма, минг сўм	Салмоғи, %	Суммадаги, минг сўм	Салмоқдаги, %	Йил бошига нисбатан ўсиши, %
1	2	3	4	5	6=4-2	7=5-3	8=6\2*100
1. Ўз маблағ- ларининг манбалари	12812213	85,2	15331930	64,7	2519717	-20,4	19,7
2. Мажбурият лар	2234386	14,8	8350627	35,3	6116241	20,4	273,7

Шу жумладан:							
а) узоқ муддатли мажбуриятлар	0	0	0	0	0	0	0
б) жорий мажбуриятлар	2234386	14,8	8350627	35,3	6116241	20,4	273,7
Баланс пассиви нинг ЖАМИ:	15046599	100,0	23682557	100	8635958	0	57,4

Манба: «Косон-ёғ экстракция» АЖнинг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Қуйидаги жадваллар таҳлилидан жами балансни 57.4 фоизга ортганлиги маълум. Ушбу маблағлар жамиятда жорий мажбуриятлар ҳисобидан шаклланган. Пассивларнинг умумий таркиби йил бошига ўз маблағларининг манбалари умумий пассивлар таркибида 85.2 фоизни ва мажбуриятлари 14.8 фоизи мажбуриятлар ҳисобига шаклланган.

Мажбуриятларнинг 100 фоизи жорий мажбуриятлар ҳисобига тўғри келади. Узоқ муддатли мажбуриятлар корхонада йил боши ва охирига мавжуд эмас. Пассивларнинг ушбу тақсимои корхонанинг молиявий барқарор эканлигидан далолат беради. Йил охирига ушбу мувозанат камайган. Яъни ўз маблағлари манбалари 64.7 фоизга, мажбуриятлар эса 35.3 фоизга тенг бўлган. Йил бошига нисбатан йил охирида жами балансининг ўсиши 273.7 фоиз жорий мажбуриятларни ўсиши ҳисобига шаклланган.

«Косон-ёғ экстракция» акциядорлик жамияти таҳлилидан балансининг пассив моддалари таҳлилидан кўринадик, ўз маблағлари манбаларининг улушини камайиб бориши инновацияни жалб этишни ўтган йилга нисбатан камайиб бораётганлигини кўрсатади. Бу ўринда асосий эътибор кам харажат эвазига инновация фаолиятини ташкил этишга йўналтирилиши зарур.

«Косон-ёғ экстракция» акциядорлик жамиятида товар моддий захираларини қоплашга тегишли манбалар билан таъминланганлик даражасини таҳлил қилиш инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча

маблағлар мавжуд эканлиги ёки уни амалга ошириш имкониятининг мавжуд эмаслигини кўрсатади (1.11-жадвал).

1.11-жадвал

2016 йилда «Косон-ёғ экстракция» акционерлик жамиятининг товар-моддий захираларни қоплашга тегишли манбалар билан таъминланганлигининг таҳлили

Кўрсаткичлар	Йил бошига	Йил охирига	Фарқи (+,-)
1. Ўз маблағларининг манбалари	12812213	15331930	2519717
2. Узоқ муддатли активлар	5167911	9398226	4230315
3. Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли ўз манбалари (1-2)	7644302	5933704	-1710598
4. Узоқ муддатли кредит ва қарзлар	0	0	0
5. Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли ўзлик ва узоқ муддатли қарз манбалари (3+4)	7644302	5933704	-1710598
6. Қисқа муддатли кредит ва қарзлар	2234386	8350627	6116241
7. Товар-моддий захираларни қоплашга тегишли жами манбалар (5+6)	9878688	14284331	4405643
8. Товар-моддий захираларининг жами	5190880	6661637	1470757
9. Товар-моддий захираларни қоплашга ўз манбаларининг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-), (3-8)	2453422	-727933	-3181355
10. Товар-моддий захираларни қоплашга ўз ва узоқ муддатли қарз манбаларининг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-), (5-8)	2453422	-727933	-3181355
11. Товар-моддий захираларни қоплашга жами манбаларнинг етарлилиги (+) ёки етишмаслиги (-) (7-8)	4687808	7622694	2934886

Манба: «Косон-ёғ экстракция» АЖнинг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Мазкур 1.11-жадвал маълумотларидан кўринадик, биз таҳлил қилаётган акциядорлик жамиятида ҳисобот йили бошига нисбатан йил охирида 2519717 минг сўмга ўз маблағлари манбалари кўпайган. Акциядорлик жамиятининг узоқ муддатли активлари эса йил бошига нисбатан 4230315 минг сўмга ортган. Лекин корхонада жорий йил охирига келиб товар-моддий захираларни

қоплашга тегишли ўзлик манбалари ҳажми -1710598 минг сўмга камайган. Ўзлик манбаларнинг кўпайишини ижобий ҳолат сифатида баҳоламоқ лозим. Акциядорлик жамиятида жорий йил бошида ва охирида узоқ муддатли мажбуриятлари бўлмаган. Қисқа муддатли мажбуриятлари эса йил бошида 2234386 минг сўм бўлган бўлса, йил охирига келиб 8350627 минг сўмни ташкил этган, яъни қисқа муддатли мажбуриятлари 6116241 минг сўмга кўпайган. Бундай ҳолат эса корхонанинг товар-моддий захираларини қоплашга тегишли манбаларини кўпайишига таъсир этган. Мазкур акциядорлик жамиятида товар-моддий захиралари ҳажми бирмунча юқори бўлганлиги учун жорий йил бошида ҳам, йил охирида ҳам товар-моддий захираларини қоплашга ўз манбалари ҳамда ўз ва узоқ муддатли қарз манбалари -3181355 минг сўмга етарли бўлмаган. Бундан кўринадики, корхонанинг молиявий барқарорлиги жорий йилнинг бошида барқарор ҳолатда бўлиб, йил охирида нобарқарор ҳолатга тушиб қолган. Бундай натижалар бозор иқтисодиёти шароитида унчалик яхши натижа деб ҳисобланмайди. Асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажми ва улардан фойдаланиш даражаси корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилайди. У ишлаб чиқариш дастурини асослашда катта роль ўйнайди ҳамда корхонанинг белгиланган номенклатура ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича потенциал имкониятларини тавсифлайди.


Бундан келиб чиқадики, *ишлаб чиқариш қуввати* – бу, маълум бир вақт давомида илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шароитларида ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал даражасидир. У қоидага кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг натурал кўринишда, ушбу корхонанинг ихтисослашганлиги ва маҳсулотнинг алоҳида турлари ўртасидаги ўзаро нисбатига кўра аниқланади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати илғор (асосий) цехлар қуввати билан, цехлар қуввати бош участкалар қуввати билан, участкалар қуввати эса

бош ускуналар қувватига асосан аниқланади. Корхона ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилаб берувчи кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- * ускуналар таркиби ва турлар бўйича сони;
- * ускуна, агрегат ва дастгоҳлардан фойдаланишнинг техник-иқтисодий норма (норматив) лари;
- * ускуналарнинг ишлаш вақти фонди;
- * ишчилар сони;
- * ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ва ассортименти (турлари ва хилма-хиллиги).

«Косон ёғ-экстракция» АЖига киритилган инвестициялар кўламини қуйидаги расмда акс эттирамиз (1.1-расм).



1.1-расм. Косон ёғ-экстракция АЖ томонидан ўзлаштирилган инвестициялар миқдори, минг АҚШ доллар

1.1-расмдан кўриниб турибдики, корхонага киритилган инвестициялар кўлами 2011, 2013 йилларда 320 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, 2012 йилда 240 минг, 2014 йилда эса 270 минг АҚШ долларини ташкил этган. Бироқ, 2015 йилда киритилган инвестиция ҳажми атиги 60 минг АҚШ

долларига тенг бўлган. Бинобарин, корхонага инновацион-инвестицион фаолиятни кучайтириш бугунги кунда долзарбдир.

2- боб бўйича хулосалар

Юқорида қайд этилган ижобий жиҳатлар билан бирга, саноатни ЯИМ нинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашдаги ролини оширишга салбий таъсир қилаётган омиллар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1.Саноатнинг ЯИМдаги салмоғи даражаси ислохотлар бошланишидан олдинги даврдаги даражасига етмаганлиги. Иқтисодий ислохотларнинг бошланиши арафасида саноатнинг ЯИМ даги салмоғи 26,3 фоизга тенг бўлган, 2010 йилда эса ушбу кўрсаткич 24,0 фоизни ташкил килди. Бу эса, саноати тараққий этган мамлакатлар даражасидан сезиларли даражада паст. Мазкур мамлакатларда саноатнинг ЯИМ даги салмоғи 28-32 фоизни ташкил этади.

2.Айланма маблағларнинг етишмаслиги, пул оқимининг заифлиги, саноат корхоналарининг аксарият қисмида ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта қурулантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

3.Саноатда ташкил қилинган айрим қўшма корхоналарнинг тўла қувватда ишламаётганлиги.

Мазкур муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1.Ҳозирги даврда республикамизда саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида инновацион товарларнинг салмоғи паст бўлиб, 15-17 фоизни ташкил этмоқда. Бунинг учун инновацион маҳсулотлар салмоғини саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмида ошириш, маҳсулотларнинг энергия сиғимини камайтириш йўли билан саноат товарларининг рақобатбардошлигини таъминлаш зарур.

2. Саноат корхоналарининг айланма маблағларини тўлдириш ва пул оқимининг барқарорлигини ошириш мақсадида мазкур корхоналарни мамлакат банкларининг кредитларидан фойдаланиш даражасини ошириш учун саноат корхоналарига хизмат кўрсатадиган тижорат банкларининг устав капиталида давлатнинг ҳиссасини ошириш ва ушбу маблағлар ҳисобидан саноат корхоналарини имтиёзли кредитлашни йўлга қўйиш лозим.

3. Саноат корхоналарида нархларнинг ўсишини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишидан юқори бўлишига йўл қўймаслик мақсадида, биринчидан, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлар миқдорининг ўсиш суръатини меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатидан юқори бўлишининг олдини олиш лозим; иккинчидан, табиий монополия ҳисобланадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг ўсишига нисбатан ҳукумат иқтисодий нормативларини жорий қилиши зарур. Мазкур иқтисодий меъёрлар табиий монополиялар ишлаб чиқарадиган маҳсулот ва хизматларнинг ўсиш суръатини саноат маҳсулотларига бўлган нархларининг умумий индексидан юқори бўлишининг олдини олиш имконини бериши лозим.

4. Саноат тармоғида фаолият юритаётган қўшма корхоналарнинг тўла қувватда ишлашини таъминлаш мақсадида: хориждан етказиб берилаётган машина ва ускуналарнинг сифатини назорат қилиш амалиётини такомиллаштириш лозим; мутахассисларнинг инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларни баҳолаш борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш чораларини ишлаб чиқиш зарур; қўшма корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларига таъсир қилувчи омилларнинг ўзгаришини прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш зарур; маҳаллий хом-ашёдан фойдаланиш даражасини ошириш лозим.

3-боб. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш истикболлари

1. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида инновацион иқлимни такомиллаштириш

Турли минтақаларимизга хорижий сармоялар ва замонавий технологияларни жалб этишни рағбатлантиришни кучайтириш, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолат ва имтиёзлар тизimini янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПФ-4434-сонли фармони қабул қилинди.

Мазкур фармон билан хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларида кам бўлмаган янгитдан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлаш бўйича мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёр ва қоидаларни солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган тақдирда ҳам давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида қўллашга ҳақли экани белгилаб берилди.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёз ва афзалликлар тизими кўлами янада кенгайтирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари авваллари 8 та тармоқ фаолиятига тегишли бўлган бўлса, ушбу фармон билан 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб

хорижий инвестициялар учун имтиёзлар 20 та йўналишдаги иқтисодиёт тармоғида фаолият юритаётган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга татбиқ этиладиган бўлди.

Иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқларининг инвестицион фаоллиги ялпи талабнинг, келажакда эса, миллий ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик даражасининг индикатори ҳисобланади. Бироқ, инвестицион жараёнларни жадаллаштириш учун иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқларида иқтисодий вазиятни аниқ тасаввур қила олиш керак.

Инвесторлар, ҳар доим, инвестиция қилинаётган объектнинг салоҳиятини ва унинг келажакдаги ривожланиш истиқболларини ҳисобга оладилар. Иқтисодиёт секторларининг инвестицион жозибадорлиги кўплаб омилларга боғлиқ ва у алоҳида хусусиятга эга. Иқтисодиёт секторида юзага келган вазиятни баҳолаш биринчи галда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни, номутаносибликларни аниқлайди. Муаммоли нуқталарга ўз вақтида эътиборнинг жалб қилиниши хорижий инвесторлар учун объектлар жозибадорлигини оширишга ёрдам беради.

Иқтисодиётнинг реал секторидаги вазиятни таққослама ҳисоб — китоблар ёрдамида таҳлил қилиш учун муаллиф томонидан 2014 ва 2016 йилларнинг якуний кўрсаткичлари олинган ва турли таҳлилий ҳисоблаш усуллардан фойдаланилган. Мазкур ҳисоб-китоблар учун хорижий тажрибалар натижасида ишлаб чиқилган уч омилли моделдан, инвестицион жозибадорлик муаммолари билан шуғулланувчи кўплаб хорижий ва маҳаллий аудиторлик, консалтинг фирмаларининг юқори малакали мутахассислари таклифларидан фойдаланилди. Реал сектордаги иқтисодий вазиятни инвестицион жозибадорлик даражаси бўйича баҳолаш интеграллашган ҳисоб-китоблар асосида қуйидаги кўринишда ўз ифодасини топган: 1 — ривожланиш истиқболлари, 2 — фаолият самарадорлиги ва 3 — инвестицион хатарлар. Мазкур элементларнинг ҳар бири

алоҳида индикаторларни гуруҳлаш ёрдамида тартибга солинган яхлит кўрсаткичларни ўзида акс эттиради.

1. Ривожланиш истикболлари қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланади:

- соҳанинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни. Ушбу кўрсаткич асосини мамлакатда амалга оширилаётган таркибий сиёсатни ҳисобга олган ҳолда соҳанинг ЯИМдаги жорий ва келажакдаги улуши ва асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматининг республика бўйича асосий ишлаб чиқариш фондларининг жами баланс қийматидаги улуши ташкил этади;

- соҳанинг иқтисодиётдаги ўзгаришларга чидамлимлиги. Мазкур кўрсаткич даражаси тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмининг ЯИМдаги ўсиш суръатлари динамикаси, ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотлар динамикаси асосида аниқланади;

- соҳанинг ижтимоий аҳамияти. Мамлакатдаги жами иш билан банд бўлган аҳолига нисбатан тармоқда банд бўлганларнинг улуши, тармоқдаги ўртача йиллик иш ҳақининг мамлакат бўйича ўртача йиллик иш ҳақига нисбати олинади;

- соҳа ривожланишининг молиявий ресурслар билан таъминланганлик даражаси. Таҳлиллар учун шахсий ва банкларнинг молиявий ресурслари ҳисобига амалга ошириладиган капитал қўйилмаларнинг салмоғи, секторга капитал қўйилмаларнинг мамлакат иқтисодиётига қўйилаётган капитал қўйилмаларга нисбатан корреляцион динамикаси кўрсаткичлари олинади;

- иқтисодиёт соҳасининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси. Мазкур кўрсаткични миқдорий баҳолаш учун давлатнинг тармоққа киритаётган капитал қўйилмалар миқдорининг ялпи капитал қўйилмалардаги улуши олинади.

2. Рентабеллик даражаси қуйидаги коэффициентлар ёрдамида аниқланади:

- соҳа активларининг рентабеллиги-активлардан келадиган фойда даражаси ҳақида маълумот беради;

- маҳсулотларни сотиш рентабеллиги-фойданинг сотилган маҳсулотлар ҳажмига нисбатан мослигини ва унинг иқтисодиёт соҳасидаги таннархини кўрсатади;

- жорий харажатлар рентабеллиги - маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишга кетган харажатлар нуктаи назаридан мазкур маҳсулотга белгиланадиган энг мақбул нарх ҳақида маълумот беради;

- соҳага ажратилаётган капитал қўйилмаларнинг рентабеллиги — қўшилган қийматнинг ўсиши ва бир йил олдинги капитал қўйилмаларнинг бирига боғлиқлигини кўрсатади.

3. Инвестицион хатарлар даражаси қуйидаги кўрсаткичларда ўз аксини топган:

- тўловга қобиллик даражаси -Кук коэффиценти асосида баҳоланади, бу коэффицент банк кредитлари қай даражада шахсий маблағлар ҳисобига қопланишини кўрсатиб беради;

- ижтимоий мавқеи даражаси — сектордаги иш ҳақининг мамлакатдаги яшаш минимумига нисбатан мувофиқлиги тушунилади;

- хусусий капиталлар рентабеллигининг ўртача тармоқ кўрсаткичининг вариацион коэффиценти— молиявий (инвестицион) хатар даражаси динамикасининг анъанавий ўлчов даражаси ҳисобланади.

Иқтисодий ҳолат элементлари кўрсаткичлари ўлчови турли миқдор ва кенгликка эга бўлгани ҳамда олинадиган натижаларни ягона масштабга келтириш учун кўрсаткичларни даражалаш услубиётидан фойдаланилган. Мазкур услубиёт инвестицион жозибадорликни баҳолашнинг ҳар бир кўрсаткичи бўйича $[0,1]$ интервалда тенг тақсимлашга асосланган. Баҳолаш кўрсаткичининг энг паст даражасига 0, энг катта даражасига 1 деб берилади.

Шундай қилиб, қолган кўрсаткичлар интервал ичида, яъни ўз даражасига мос равишда 0 ва 1 орасида тақсимланади.

Интеграл кўрсаткичлар сифатида инвестицион жозибadorликни баҳолаш элементини ўртача даражасидаги кўрсаткичлари қабул қилинади. Шунинг учун ҳам, инвестицион жозибadorликни баҳолаш элементлари даражасини кўрсаткичларининг қийматлари турли омиллар тизимини мажмуавий баҳолаш имконини беради. Иқтисодиёт секторларининг инвестицион жозибadorлигини баҳолаш унсурлари ҳар хил маълумотлар берганлиги учун инвестицион қарорлар қабул қилишда турли хил роль ўйнайди. Шу сабабли асосий элементларнинг аҳамияти эксперт йўли билан яъни, баҳолашни таснифловчи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Реал сектор тармоқларининг инвестицион жозибadorлигини баҳолаш учун асосий элементларнинг қуйидаги коэффициент кўрсаткичлари тавсия этилади:

- тармоқ ривожланиши истиқболининг даражаси — 0,2;
- иқтисодиёт секторининг рентабеллик даражаси — 0,65;
- тармоқдаги инвестицион хатарлар даражаси — 0,15.

Қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги активларнинг рентабеллик даражаси нисбатан паст, бу эса, фойданинг шаклланишида муаммоларни келтириб чиқаради. Соф фойдани камайтирувчи асосий омиллар: ишлаб чиқариш ҳаражатларининг юқорилиги, номукамал солиқ сиёсати, бошқарув ва менежментни ташкил этишдаги муаммолар ҳисобланади.

Маънавий ва моддий эскирган техникалар сонининг кўплиги, маркетинг хизматларининг ривожланмаганлиги, маҳсулотга таклифнинг яхши ўрганилмаганлиги, рақобат муҳитининг йўқлиги, қувватларнинг паст даражада ишлатилиши саноатда активлар рентабеллигини 4,6 даражага камайтишига олиб келди. Транспорт ва алоқа мажмуаларида активлар рентабеллигининг пасайишига мавжуд ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланилмаётганлиги ва уларнинг бозор баҳосининг юқорилиги сабаб бўлмоқда.

Бозорларнинг географик чегараларининг кенгайишига ва рақобатнинг ривожланишига маъмурий тўсиқлар салбий таъсир кўрсатиб, трансакцион харажатларнинг ошишига олиб келмоқда. Энергия сарфи ва харажатларнинг юқорилиги, технологик ва хом ашё ресурслари билан таъминлашдаги муаммолар, ишлаб чиқариш харажатларининг юқорилиги қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа соҳаларида жорий харажатлар кўрсаткичининг рентабеллик даражасининг пасайишига олиб келди. Капитал қўйималарнинг рентабеллиги уларнинг ҳажми билан ҳам, капитал қўйилмадан олинаётган фойда миқдорида ҳам кўринмоқда. Қишлоқ хўжалигида жуда кам капитал сарфлаган ҳолда қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулот олиш мумкин. Бироқ саноат соҳасида бу кўриниш кутилган натижаларни бермади. Инвестицион хатарлар даражасининг интеграл кўрсаткичлари саноат ва қишлоқ хўжалигида юқори. Хавфнинг ўсиши асосан иқтисодиёт реал секторлари тўлов қобилиятининг пастлиги, корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволининг ёмонлашуви билан изоҳланади.

Улар учун энг катта муаммолардан бири бу илгари олинган кредитларга фоизлар тўлаш ҳисобланади. Хатарлар майдонида қишлоқ хўжалигининг кириши об —ҳаво шароитларига боғлиқлиги ва сув танқислиги билан боғлиқ.

Тармоқнинг ижтимоий ҳолати олинadиган иш ҳақи ва яшаш минимумидаги фарқда ўз аксини топади. Ҳисобот даврида алоқа ва саноат тармоқларида ижтимоий муҳит ижобий томонга ўзгарди.

Ҳукумат томонидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, пул-кредит сиёсатини эркинлаштириш чора-тадбирлари натижасида иқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий томонга ўзгариши кузатилмоқда. Ҳукумат ва қонун ҳужжатлари асосида жорий қилинган механизмлар кучга кира бошлади. ЖСТга кириш жараёнида Ўзбекистон иқтисодиёти секторларининг мослашиш жиҳатлари аниқлаб олинди ва муаммолар ҳал этилмоқда.

Алоҳида кўрсаткичлар бўйича юз берган ўзгаришлар ижобий силжишлардан далолат бериб турибди, бироқ, яқин келажакда ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор номутаносибликлар ҳам мавжуд. Солиққа тортиш механизмларининг ўзгариши, капитал оқимини ўзгартириш механизмининг жорий этиш ишлаб чиқариш ҳажмининг, маҳсулотлар рақобатбардошлигининг ортишига ва ижтимоий муаммоларни ечишга ёрдам беради. Иқтисодий муҳитнинг яхшиланиши хусусий маблағларнинг ортишига олиб келади бу эса, ўз навбатида амалда ишлаётган корхоналарнинг модернизация қилишга, техника билан таъминланиш даражасининг ортишига ижобий таъсир кўрсатади. Иқтисодий самарадорликни оширишнинг энг асосий омилларидан бири қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш ва хусусийлаштириш инвестицияларини ташкил этиш ҳисобланади.

2. Қўшма корхоналар танлаган стратегиясига эришишининг асосий йуналишлари

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотларнинг туб негизини тадбиркорлик, омилкорлик ва ишбилармонлик ҳислатларисиз тасаввур этиш қийин. Эркин бозор муносабатларнинг кенг раванқ топиши инсонлар ҳаётида, турмуш тарзида, маънавий ва амалий кўникмаларида намоён бўляпти. Республикамиз фуқаролари ривожланган Европа давлатлари, АҚШ, Япония каби давлатларнинг бой амалий тажрибаси хусусида етарли ахборотга эга бўлиб бормоқдалар.

Бизнеснинг дастлабки вужудга келиш шароитида уни бир қатор кўламда ёки жабҳаларда талқин этилиши, уни тизимли тарзда ўрганиш, изланиш объекти, ҳамда амалий фаолият йуналиши сифатида тартибга солиш зарур. Бизнес тушунчаси кенг маънодаги тушунча бўлиб - касб, машғуллик, иш, тадбиркорлик, шартнома, ишбилармонлик доираси ёки ҳаёти, компания ва аксарият ҳолларда даромад ундириш манбаи сифатида қаралади. Шу билан

бирга унинг келгусидаги истиқболни белгилаш, қўйилган мақсад сари интилиш, доимий ўзгаришлар шароитига мослашиш, таваккалчилик қилиш каби бир қатор назарий ва амалий томонларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Стратегия - туб маънода мужассамлашган режалаштириш сиёсатидир, хўжалик ва ҳарбий жиҳатдан эса ҳаракат йуналиши маъносини англатади.

Америкалик етук иқтисодчи И.Ансоффнинг фикрича, стратегия - ўз моҳияти жиҳатидан ташкилотнинг ўз фаолиятида қарор қабул этиш жараёнида қўллаши учун мавжуд бўлган қоидалар мажмуига айтилади. Амалий фаолиятда ва амалий бошқариш тажрибасида стратегия мазмунан ва мантиқан қандай намоён бўлади. Ушбу стратегия хусусиятларини И.Ансофф қуйидагича тизимда тартибга солиш мумкин деб ҳисоблайди:

1. Стратегия аниқ-конкрет ҳаракатларда намоён бўлмайди. У одатда, фирманинг мавқеини ва ўсишини таъминловчи асосий йўналишларни белгилаш билан чекланади.

2. Ифодаланган ялпи стратегия - лойиҳалар стратегиясини таваккалчилик асосида ишлаб чиқиш ва фойдаланиш имконини яратади. Яъни стратегиянинг ўрни - муаммоларни ҳал этишда имкониятларни баҳолаш, ҳал этиш жараёнида унинг йўналишига тўғри келмайдиган бошқа йўналишларни ўз вақтида бартараф этишдан иборат.

3. Агар реал воқеалар ва ҳодисалар ривожланиши ташкилотни маъқул бўлмаган ҳолатларга бошласа, қабул қилинган стратегияга бўлган зарурат йуқолади.

4. Стратегияни ифодалаш жараёнида конкрет лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини даставвал тўла кўра билишнинг имкони йўқлиги.

5. Танлаётган лойиҳаларни стратегиялар сифатида қурилиши, уларни ориентир тарзда бўлишини англатиш мумкин. Лекин улар ўртасидаги тафовут мавжуд. Ориентир - бу мақсад туридирки, унга корхона эришиши учун ҳаракат қилади. Ориентир - қарор қабул қилишнинг юқори даражасидир.

Ориентирни танлашда эса бир қатор стратегиялар ва уларнинг ўзгариши назарда тутилади. Стратегия эса - мақсадга эришиш воситасидир.

Стратегия ва ориентирлар ўзаро бир-бирларини тўлдирувчан ҳисобланадиларки, бошқаришнинг турли бўғинларида ва муддатларда улар юзага келиши мумкин. Масалан, самарадорлик ўлчови бўлмиш - бозордаги улуш кўрсаткичи бир фирма учун ориентир, бошқа фирма учун эса танланган «А» стратегия бўлиши мумкин. Ҳозирги шароитда юз бераётган глобал ўзгаришлар тадбиркорликнинг қай жиҳатлари ва интилишлари стратегияси танлашга ва амалга оширишга кўпроқ таъсир етказмоқда деган савол вужудга келади.

Биринчидан, корхонанинг ички имкониятларини танлаб, технология ва маҳсулотнинг ҳаётий даврларини «узайтириш» билан боғлиқ бўлган уриниш, яъни корхона ички салоҳияти ҳисобланган технология ва маҳсулотнинг ҳаётий даврларини янги бозорлар, янги истеъмолчиларни топишга ҳаракат қилиши.

Иккинчидан, корхона ривожланиши учун географик ёки миллий жойлашувнинг етакчи аҳамиятга эга бўлмай қолиши ва трансмиллий корпорация тарзида ривожланишда янги ва кенг имкониятларнинг мавжудлиги.

Учинчидан, маҳаллий саноат бозор эҳтиёжларини қондиришдан халқаро бозор эҳтиёжларини қондириш учун харажатларнинг самарадорлиги ва истикболи порлоқлиги. Шундай экан, корхона ички салоҳиятининг асосий элементи бўлган технологияни қай тарзда талаб ва маҳсулотнинг ҳаётий даврларни узайтиришдаги таъсирини ошириш мумкинлигини кўриб чиқишимиз керак. Бу унинг ҳаётий даврлар ўртасидаги боғлиқлиги билан аниқланади ва бу ҳаётий даврлар қуйидагича:

1. Вужудга келиш, туғилиш даври, яъни тармоқнинг бозорга кириб келиш даври.

2. Ўсишнинг жадаллашиш даври. Маҳсулотга бўлган талабнинг энг юқори суръатларда юзага келиши ва ишлаб чиқариш қувватларини оширишга заруратнинг вужудга келиши.
3. Ўсишнинг пасайиш даври - талабни дастлабки тўйиниши ва таклифнинг ўта юқори ривожланиш даврининг бошланиши.
4. Етуклик даври - талабнинг тўлиқ тўйиши ва қувватлари ортиқчалигининг сезилиши.
5. Сўниш даври - талабнинг ялпи пасайиши, иқтисодий-ижтимоий ва демографик омиллар таъсирида маҳсулотнинг эскириши, истеъмолнинг ялпи пасайиши.

Қўшма корхона ўз равнақини ва асосий рақобат бозорини иқтисодиёти тез ривожланаётган ёки ривожланиши мумкин бўлган давлатлардан топиб, ўз стратегик мавқеини аниқлашга киришди. Ўзбекистонни танлаши бежиз эмас эди, чунки бу ерда маҳсулот ишлаб чиқариш учун энг фойдали бўлган:

1. Арзон ишчи кучи.
2. Арзон хом ашё мавжуддир.

Шундай қилиб «Косон ёғ-экстракция» акционерлик жамияти танлаган стратегияга эришиш учун қуйидаги йўналишларга эга бўлиши керак:

1. Маҳсулот ассортименти стратегияси бўйича:

- қадоқланган идишлардаги ёғларни кенг кўламда таклиф этиш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
- Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сифатини ва ташқи кўринишини қаттиқ назорат остига олиш;

2. Ишлаб чиқариш стратегияси бўйича:

- Ишлаб чиқариш технологияси билан узвий боғлиқ бўлган маҳсулотларга қаттиқ талаб (стандарт) ўрнатиш.
- Фойданинг бир қисмини технологик янгиликлар ихтиро этишга йуналтириш;

- Дизайн соҳасида иш олиб борадиган яхши мутахассисларни ишга жалб этиш.

3. Маҳсулотларни сотиш стратегияси бўйича:

- «Косон ёғ-экстракция» акционерлик жамиятининг ишлаб чиқариш борасида имиджини мустаҳкамлаш;
- Дунё бозоридан мустаҳкам ўрин эгаллаш, ташқи мамлакатларда савдо уйлари ташкил этиш;
- Харидорлар сонини кўпайтириш учун қулай баҳоларни ва шароитларни қўллаш;
- Шу маҳсулот тури бўйича халқаро ярмарка ва кўргазмаларда қатнашиши;
- Оммавий ахборот воситалари орқали рекламани ривожлантириш.

4. Персонал танлаш ва тайёрлаш стратегияси бўйича:

- Иш хақи таърифларини белгилашда ишчи-ҳодимларнинг малакасини ҳисобга олиш.
- Меҳнат унумдорлигини ошириш учун корхонада ҳодимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш;
- Мутахассислар малакасини ошириш учун уларни қайта тайёрлаш курсларида таҳсил олдириш ва чет элларга ўқишга жўнатиш.

5. Ижтимоий соҳа стратегияси бўйича:

- Корхона ҳодимларини яхши хордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш;
- Ишлаб чиқаришда юз берадиган фалокатлардан ҳодимларни суғурталаш.
- Ҳодимларга ва уларнинг оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш.
- Фойда ҳисобидан корхонанинг маданий-маиший, спорт соҳасини ривожлантириш ва бошқалар.

Шундай килиб корхонанинг танлаган стратегиясига эришишининг асосий йуналишлари билан бир қаторда қуйидаги вазифаларни бажариши лозим.

1. Ўз маҳсулотларини сотишда бозорларни сегментларга бўлиш.
2. Корхона маҳсулотига бўлган талабни мақсадли йўналтирилган ҳолда ўрганиш.
3. Истеъмол бозорида мавжуд бўлган ракобатчиларни ўрганиш.
4. Маҳсулотларни сотиш учун мўлжалланган савдо уйлари ва махсус дўконлар фаолиятини ташкил этиш.
5. Сотишга мўлжалланган маҳсулотларни суғурталаш.
6. Корхона маҳсулотларини ярмарка ва кўргазмаларда реклама қилиш ва бошқалар.

3. Тўғридан — тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантириш йўллари

Кўпгина мамлакатлардаги инвестиция фаоллиги ва иқтисодий ўсиш чет эл капитали иштирокида қўллаб-қувватланади ва кучаяди. Очик бозор иқтисодиётига эга мамлакатларда капиталнинг халқаро айланиши хўжалик турмуши ривожланишига, халқаро меҳнат тақсимооти чуқурлашишига олиб келди. Чет эл капитали қўйилмалари, улар билан бирга чет эл технологиялари, бошқарув-тажриба татбиқ этилиши, янги бозорга кириш йўлининг очилиши ҳам ўтиш типига истаган мамлакатда ишлаб чиқаришни қайта ташкил қилиш учун ҳаётий заруратдир.

Иқтисодиёти шиддат билан ўсиб бораётган Хитой эса, ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар орасида ташқи инвестициялар ҳажми бўйича биринчи ўринга чиқди, капитал оқими бўйича фақат АҚШ дан ортда қолди ва 1996 — 2000 йиллар ичида 121,7 млрд. долл. инвестиция жорий қилди.

Ҳозир Хитойда ЯИМга нисбатан чет эл инвестициялари тахминан 30% ни ташкил этади. Ҳолбуки, бу инвестицияларнинг катта қисми Гонконг орқали қайтгач ва хитойлик диаспоранинг капиталидир.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидаги чет эл инвестицияларининг нисбатан оз ўсишини ҳисобга олиб, бу мамлакатларнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини оширадиган миллий хусусий капитал ишлашига янада қулай шароитларни яратиш, бозор ва тузилма ислохотларини ўтказиш учун чет эл инвестицияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси учун инвестиция заҳираларининг чет эл манбаларига мурожаат этилиши иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ҳам стратегик, ҳам жорий масалаларини ҳал қилиш заруриятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу вазифалардан энг муҳимлари: миллий иқтисодиётни такомиллаштириш; минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётидаги номутаносибликларни бартараф этиш; мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кучайтириш; импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш; рақобат муҳитини ривожлантиришга ёрдам берадиган иқтисодиётнинг хусусий ва аралаш секторларини шакллантириш; бозор инфратузилмасини ривожлантириш; илғор чет эл технологияси, ноу —хау ва бошқарувчилик тажрибаларини иқтисодиётга жалб қилишни ривожлантириш.

Ҳозирги вақтда иқтисодиётни модернизациялаш ва барқарор тараққиётни таъминлаш учун чет эл капиталини жалб қилиш жараёни, мамлакатимиздаги ва бошқа собиқ совет республикалардаги кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинмоқда. Бу соҳадаги ҳамма нуқтаи назарларни ҳамда сўнгги йиллардаги амалиётни умумлаштириш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш сиёсатида айрим камчиликлар мавжуд бўлиб, иқтисодиётнинг бозор трансформацияси эҳтиёжлари ва вазифаларига ўхшаш чет эл капитал қўйилмаларини рағбатлантириш бўйича таъсирчан механизм ишламайди, деган хулосага келиш мумкин. Бу, чет эл инвестициялари ҳажмларини баҳолаш

услугияти ва методикасига; чет эл капиталини жалб қилиш шакллари ва чет эл капиталини жалб қилиш бўйича ташкилий ва иқтисодий механизмларнинг йўл қўйилган кўламларига; минтакавий ва тармоқ тақсимотига тааллуқлидир.

Чет эл капиталини Ўзбекистон иқтисодиётига тўғридан — тўғри киритиш бошқа бир қатор устунликларга ҳам эга. Дарвоқе, бу устунликлар чет эл кредитлари билан қиёслаганда жуда катта. Чет эл тадбиркорлик капиталининг жалб қилиниши ҳам ички бозордаги монополизм билан курашишнинг ва рақобатни ривожлантиришнинг фаол воситаси. Бундай капитал нафақат мамлакат етишмаётган инвестиция захираларини олишига хизмат қилади, балки унинг ёрдамида миллий ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш самарадорлигини жонлантириш, кўтариш ҳам мумкин. Оқилона фойдаланилганда, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари экспорт диверсификациясига, қўшимча иш жойларини яратишга ёрдамлашади, чет эл кредитлари билан қиёслаганда мамлакат қарздорлигини оширмайди, шу орқали валютанинг чет элга оқимини камайтиради.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланган инфратузилмасига, фойдаланилган қонунчилик ва инвестициялаш учун шаклланган иқлимига қарамай, бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда тўғридан — тўғри чет эл инвестициялари кўринишида бир неча млрд. АҚШ долларидан ортиқ маблағ ўзлаштирилган эди.

Бугунги кунда мамлакатни модернизациялаш даврида республика ҳудудларининг иқтисодиёт тармоқлари самарадорлигини оширишда Жанубий Кореянинг Daewoo ва Hyundai компанияларидан иборат халқаро консорциум Қашқадарё вилояти Толимаржон ИЭСида жами қуввати 900 мВт бўлган иккита буғ-газ қурилмаси ўрнатилди. Маълумки, 2013 йилнинг мартада Daewoo ва Hyundai компаниялари халқаро тендер натижаларига кўра, «Ўзбекэнерго» АЖ билан Толимаржон ИЭСни модернизация қилиш бўйича 861 млн долларлик шартномани имзолаган эди. «Ўзбекэнерго» АЖ

маълумотларига кўра, айти вақтда, амалга оширилган инвестиция лойиҳаси доирасида ИЭС электр энергияси ишлаб чиқармоқда.

Битим шартларига кўра, консорциум станцияда ҳар бири 450 мВт бўлган иккита буғ-газ ускунасини ўрнатиши лозим эди. Лойиҳа доирасида қурилмаларни Япониянинг Mitsubishi Corporation корпорацияси етказиб берган.

Умумий қиймати 1,28 млрд доллар бўлган лойиҳа Осиё тараққиёт банкининг 350 млн доллар, Япония халқаро ривожланиш агентлиги (JICA)нинг 300 млн доллар, Ўзбекистон реконструкция ва тараққиёт фондининг 250 млн доллар миқдоридаги кредити ва «Ўзбекэнерго» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилди.

Бизнинг фикримизга кўра, агар тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг бутун ҳажми давлат учун бирламчи бўлган дастурлар бўйича ишлаб чиқаришни инвестициялашга сарфланганда эди, Ўзбекистон иқтисодиёти, айтиқса саноат иқтисодиёти барқарор ўсишига эришган бўларди.

Аммо амалиёт кўрсатишича, иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичида тўғридан — тўғри чет эл инвестициялари савдо — воситачилик фаолияти соҳасида қўшма корхоналар (ҚК) барпо этишга, консалтинг хизматларини кўрсатишга, банк секторига, кейинчалик эса, чет эл фирмалари бошқарувига ўтказилган саноат объектларининг қарзларини тўлашга ва муомаладаги маблағларни тўлдиришга йўналтирилгандир. Масалан, Россияда 2004 йилининг биринчи ярми ичида молия ва бозор инфратузилмаси соҳасида барча чет эл инвестицияларининг 69.8, қишлоқ хўжалиги соҳасида 9.4, саноатда эса, фақат 5.6 фоизи ишлатилган эди.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияси ўсгани билан уларнинг тармоқ тузилмаси яхшиланмайди. Иқтисодиётнинг эркинлашуви чет эл инвесторлари Ўзбекистон иқтисодиёти асосий тармоқларига йўналтирилишига йўл очиб берди: чет эл қўйилмалари енгил саноатда 46,2 ва 49,2%ни,

металлургияда 16,8 ва 5,5%ни, ёқилғи комплексига тўғридан — тўғри чет эл инвестицияларининг умумий оқимига нисбатан 8,7 ва 4,4%ни ташкил қилди.

Назаримизда, чет эл капиталини жалб қилиш ва ундан фойдаланишнинг энг муҳим муаммоларидан бири инвестиция шаклини тўғри танлашдир.

Чет эл капиталини жалб қилиш шакллари танлашдаги асосий мезонлар қуйидагилар: фаолият соҳаси ва маҳсулот тури (технологик мураккаб, илмий ва ҳ.к.); лойиҳа қўйилмалари (майда, ўртача, йирик); чет эл капиталини жалб қилишнинг стратегик мақсади (жиҳозлар импортидан то ишлаб чиқариш — бошқарувчилик тажрибасида фойдаланишга қадар).

Республикада ва вилоятларда ички жамғармалардан фойдаланиш шакллари, мамлакат ичида самарали ва камроқ самарадор корхона ва тармоқлар ўртасида ҳам, қатор мамлакатларнинг тармоқ ва соҳалари ўртасида ҳам капитал айланиши икки тарафлама механизмининг йўқлиги иқтисодиёт мустаҳкамчилигини ва унинг ўсиш имкониятларини камайтиради. Шу боис Ўзбекистонда узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясининг амалга оширилиши аввало, чет эл капитал ва ички инвестицияларни жалб қилиш, капитални оммавий инвестордан ҳақиқий мулкдор қўлига ўтказиш механизмига эга, тўлақонли фонд бозори ташкил қилиши талаб этади. Мамлакатда фонд бозори ва маданияти мавжудлиги капиталга эркин талаб ва таклифни таъминлайди. Натижада, асл бозор иқтисодиётининг реал сектори тикланиши ва уни ривожлантиришга янги инвестициялар жалб этилиши имконияти юзага келади. Бу чет эл ва миллий инвестиция институтларининг кенг доирасини жалб қилган портфелни инвестициялашдир. Инвестиция институтлари эса, ўз навбатида, нафақат йирик корхоналар, балки ўрта ва ҳатто майда корхоналар портфелларини диверсификация қилади.

Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов 2010 йилнинг январ ойида Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси йиғилишида жаҳон бозорида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат

иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва бозор ислохотларини чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўяётганлигини таъкидлаб, бу йўналишларда 2005 йилда ва келгуси даврларда ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Шу нуқтаи назардан мазмун — моҳияти ва амалий аҳамияти Ўзбекистон минтақалари иқтисодиёти ривожига учун ўта долзарб бўлган мамлакатимиз Президентининг хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга қаратилган Фармони айнан иқтисодиётни эркинлаштириш борасида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

Хорижий инвестицияларни тўғридан — тўғри жалб этиш тўғрисидаги ушбу фармон мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жихозлаш ва реконструкция қилиш, ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларда янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга ҳамда хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадларига қаратилган.

Бунда хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда: 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача — 3 йил муддатга; 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача — 5 йил муддатга; 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга юқорида кўрсатилган соликлар бўйича имтиёзлар берилади.

Маълумки, дунё мамлакатлари орасида чет эл инвестицияларини ўз миллий иқтисодиётига жалб этишнинг рақобат шакли йилдан —йилга кучайиб бормоқда. Шу боис, чет эллик инвесторларга яратилган қулайлик қайси давлатда устун даражада бўлса, бошқача қилиб айтганда, фойда олиш эҳтимоли каттароқ бўлса, табиийки, уларнинг айнан ўша давлат иқтисодиётига ўз сармоясини киритишга қизиқиши ортмоқда.

Бу эса, бозор иқтисодиётининг нисбий самарадорлик қонунига мос келувчи ечим ҳисобланади, яъни қаерда самара (фойда) олиш имконияти нисбатан

юқори бўлса, тадбиркорлар ўша ердаги бозорга кўпроқ интилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар ичида энг юқори инвестиция муҳити яратган мамлакатлардан бири бўлиб қолди. Бу, шубҳасиз, иқтисодиётимизга тўғридан — тўғри жалб этилаётган хорижий инвестициялар оқимини янада кўпайтиради.

Давлатимиз иқтисодий сиёсати кўпроқ тўғридан — тўғри инвестицияларни жалб этишга ва уни рағбатлантиришга қаратилганлиги боис, турли шаклдаги инвестициялар оқими йилдан — йилга ошиб борапти. Чунки, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар доирасида айнан сармоядорларнинг ўзлари бевосита иштирок этиши ҳисобга олинган ва бунинг учун бизда етарлича шарт — шароитлар мавжуд.

Айниқса, республика минтақаларидаги бой минерал-хомашё ресурслари, етарли микдордаги малакали ишчи кучлари, соғлом муҳит, сиёсий, ижтимоий — иқтисодий барқарорлик каби омиллар шубҳасиз, чет эл инвестициялари оқимининг янада кўпайишига, республика минтақаларида фаолият юритадиган корхоналар ривожига хизмат қилади.

Фармоннинг яна бир муҳим жиҳати — бу унинг хусусий инвестицияларни жалб этишга қаратилганлигидир. Маълумки, чет эл ишбилармон доиралари, йирик мулк эгаларининг Ўзбекистонга қизиқиши, қолаверса, аввалдан Ўзбекистонда ўз мулки ва сармоясига эга бўлган кўплаб чет эл тадбиркорлари ўз бизнесларини янада кенгайтириш ниятида эканликлари ҳеч кимга сир эмас. Шуларни ҳисобга олганда, фармонда айнан хусусий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга қаратилган шартлар бу узоқ стратегик аҳамиятга молик тўхтамдир. Хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни жалб этиш учун қўшимча рағбатлантиришларни ташкил қилиш мақсадида назорат акция пакетларини сотиб олмасада, корхоналарга салмоқли ҳажмларда инвестициялар киритаётган инвесторларга профессионал бошқарувчи компанияларга

бериладиган давлат акциялар улушини бошқариш ҳуқуқини танловларсиз бериш кўзда тутилган.

Фармоннинг яна бир ўзига хос хусусияти — бу инвестиция киритиш шартлари ва жойларининг аниқ белгилаб қўйилганлигидир. Ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида янги корхоналарни жойлаштириш кўзда тутилган. Бу шартлар хусусий сармояга эга бўлган чет эллик тадбиркорга, ўз ватанида туриб Ўзбекистоннинг қайси минтақасига ва қайси тармоқ корхонасига инвестицияларини жойлаштириши ва уни қандай тасарруф этиш мумкин эканлигини билиб олишига тўлиқ имкон беради. Бундай ҳуқуқий кафолатлар аниқ - ойдинлиги сармоядорларнинг инвестиция киритиш ҳақида қарор қабул қилишини тезлаштириш билан бирга, уларга мавжуд хатарларни ҳам баҳолаш имкониятини яратади. Бу жиҳатни эса, мамлакатлар ўртасидаги инвестиция муносабатлари амалиётидаги катта янгилик, деб ҳисоблаш мумкин.

Мазкур режани амалга оширишда белгиланган чора-тадбирлар ислохотларнинг ўта муҳим йўналишлардаги муаммоларни ҳал этиши, шу билан бирга, уларнинг амалдаги ижросини таъминлашга қандай асослар яратилганлиги ҳам, кўпчиликни қизиқтиради.

Маълумки, Ўзбекистонда хусусийлаштирилаётган корхоналарга жалб этилаётган чет эл инвестицияларининг катта қисмини уларни модернизациялаш учун йўналтирилган тўғридан — тўғри инвестициялар ташкил этади. Шу билан бирга, хусусийлаштирилган корхоналар негизида (улар мулки ҳисобидан) қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича ҳам, катта ишлар амалга оширилмокда.

2005 йил март ойида қабул қилинган хусусийлаштириш дастури таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу фармоннинг амалда ижросини таъминлашда у алоҳида ўрин тутди. Чунки, дастурдан чет эл инвесторларини ҳар томонлама

қизиқтирувчи хусусийлаштириладиган давлат активлари ўрин олган, яъни: дастурда 115 та давлат мулки объектлари инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул берилиши кўзда тутилган. Хусусийлаштириладиган объектларнинг асосий қисми маъмурий ҳудуд марказларида, 20 фоиздан кўпроғи эса, чет эл инвестицияларини киритиш мумкин бўлган минтақаларда жойлашган. Бу чет эл инвесторлари учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланишга кенг имкониятлар очиб беради. Бундай объектларни сотиш тажрибаси шуни кўрсатадики, баҳолаш қиймати юқорилиги сабабли, биржа савдоларида илгари сотилмаган, аммо мазкур объектларга истиқболли инвесторларнинг, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг қизиқишини уйғотмоқда, уларнинг сотиб олиш бўйича самарали бизнес режаси ва Давлат тендер комиссияси томонидан танлов натижалари бўйича белгиланган инвестиция мажбуриятлари суммасининг минимал миқдоридан юқори бўлиши мезонлари муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, Ўзбекистон ҳукумати 2016 йилнинг тўртинчи чорагида халқаро молия институтлари билан 508 миллион АҚШ долларига тенг кредит битимларини имзолади. Хусусан, Ўзбекистон ҳукумати ва Жаҳон банки «Минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида 200 миллион АҚШ долларилик кредит битимини имзолади. Лойиҳа қиймати 240 миллион АҚШ долларига тенгдир.

Лойиҳа Тошкент, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги устувор минтақавий автомобиль йўлларининг 37 қисмидаги умумий узунлиги 394 километр бўлган йўлларни реконструкция қилиш имконини берди.

Шунингдек, Ўзбекистон Ислом тараққиёт банки билан “Сирдарё вилоятининг Гулистон, Ширин ва Янгиер шаҳарларидаги канализация тармоқларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш” лойиҳаси молиялаштиришни ривожлантириш бўйича кредит битимини имзолади.

Кредит миқдори 57,5 миллион АҚШ доллари, лойиҳа қиймати эса – 60,8 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Лойиҳа оқова сувлар томонидан атроф-муҳитнинг ифлосланишини камайтириш, мавжуд канализация тозалаш иншоотларини кенгайтириш орқали оқова сувларни йиғиш ва тозалаш тармоқлари самарадорлигини оширишга қаратилган.

Ўзбекистон Франция тараққиёт агентлиги билан “Самарқанд шаҳрида маиший қаттиқ чиқиндиларни бошқаришни модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича 23,5 миллион АҚШ доллари қийматига эга кредит битимини имзолади.

Лойиҳа қиймати 36,5 миллион АҚШ доллари бўлиб, Самарқанд шаҳрида чиқиндиларни йиғиш, қайта ишлаш ҳамда утилизация қилишни молиялаштиришни қамраб олади.

Умуман олганда, фармонда кўзда тутилган чора — тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш нафақат иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни жадаллаштириш, балки рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва улар сифатини ошириш, Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини, дунё меҳнат тақсимоотида ўз ўрнини эгаллашини тезлаштиради.

3- боб бўйича хулосалар

1. Ўзбекистоннинг узоқ муддатли инвестиция стратегияси амалга оширилиши миллий ва чет эл капиталлари иқтисодиётнинг реал секторига эркин ўтказилишини таъминлашга қодир бўлган тўлақонли фонд бозори ташкил қилишни ва унинг ишлашини талаб этади. Фонд бозорининг самарали ишлашини таъминлаш учун қуйидаги йўналишлар энг муҳимдир: корпоратив қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш; қимматли қоғозлар бозорининг янги-муниципал, гаровли, ипотекали ва бошқа секторларини яратиш; ихтисослашган инвестиция институтлари шахобчасини шакллантириш.

2. Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов 2010 йилнинг январ ойида Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси йиғилишида жаҳон бозорида рўй бераётган ўзгаришлар, кучли талаб ва рақобат иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва бозор ислохотларини чуқурлаштиришни объектив шарт қилиб қўяётганлигини таъкидлаб, бу йўналишларда 2005 йилда ва келгуси даврларда ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Шу нуқтаи назардан мазмун — моҳияти ва амалий аҳамияти Ўзбекистон минтақалари иқтисодиёти ривожига учун ўта долзарб бўлган мамлакатимиз Президентининг хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга қаратилган Фармони айнан иқтисодиётни эркинлаштириш борасида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди. Хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб этиш тўғрисидаги ушбу фармон мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, корхоналарни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларда янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга ҳамда хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадларига қаратилган.

3. Инвестиция стратегиясини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган муҳанизм қуйидагиларни кўзда тутди: давлатнинг инвестиция жараёнидаги иштироки шакллари ва бошқаруви миллий ва чет эл хусусий капиталлари инвестицион фаоллигини рағбатлантиришни кучайтириш; амортизация сиёсатини такомиллаштириш; аҳолининг банкка пул қўйишга ва инвестицион институтларга ишончини ошириш; ишлаб чиқаришга маблағларни узоқ вақтга қўйиш учун рағбатлантирувчи шароитларни яратиш; хусусий капиталлар ва аҳоли жамғармаларини суғурталаш тизимини шакллантириш.

Хулоса ва таклифлар

“Косон-ёғ экстракция” акциядорлик жамияти мисолида бажарилган магистрлик диссертация ишининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсияларни бермоқчимиз:

1) Қашқадарё вилояти «Косон-ёғ экстракция» акционерлик жамияти корхоналарида модернизациялаш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида:

а) модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш дастурларида эскирган жиҳозларни ишлаб чиқариш жараёнларидан босқичма-босқич чиқариб бориш бўйича чора-тадбир ва талабларнинг киритилишини таъминлаш;

б) корхоналарда эскирган техника ва технологик линияларнинг мавжудлиги бўйича инвентаризация ўтказилиб, уларни босқичма-босқич чиқариб бориш юзасидан мониторинг ташкил этиш;

в) корхона ишлаб чиқариш фаолиятига янги асбоб-ускуналар ва техник жиҳозларни муайян даврда қиймати жиҳатидан бир текисда ҳамда асбоб-ускуналарнинг технологик жиҳатидан жараёнлар узвийлиги ва изчиллигини ҳисобга олган ҳолда киритилишини таъминлаш;

г) маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кенгайтириш вазифасига алоҳида эътибор қаратиш;

д) корхона асосий воситалари таркибидаги оптимал пропорцияларнинг сақланишини таъминлаш зарур;

2) корхоналарнинг ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш жараёнлари бир марталик кампания эмас, балки мунтазам ва доимий равишда, узоқ муддатли режалаштириш асосида амалга ошириладиган муҳим ташкилий-иқтисодий жараёнга айланиши лозим. Айни пайтда, бу жараённинг автоматик тарзда амалга оширилиб боришини таъминловчи механизмларни таркиб топтириш муҳим ҳисобланади;

3) модернизациялаш жараёнларининг мунтазам амал қилишини таъминловчи иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этишда акциядорларга корхонани модернизациялаш борасида амалга оширилиши режалаштирилаётган ҳамда амалга оширилган ишлар тўғрисида мунтазам ахборот бериб туриш муҳим ҳисобланади.

Фикримизча, мамлакатимиз ва қолаверса Қашқадарё вилояти иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасида қуйидагиларни амалга ошириш керак деб ҳисоблаймиз: хорижий кредитлар ва кўпроқ бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш учун хорижий инвесторлар ҳуқуқуларини ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш ҳамда мамлакатда пул — кредит сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишларни самарали тарзда яқунлаш; тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни кредитлашни ривожлантириш учун ушбу соҳага хизмат қилувчи институтчионал бирликларни ҳамда инфратузилма институтлари фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш; инвестиция лойиҳаларини хорижий банклар кредит линиялари орқали молиялаштириш мақсадида улар билан кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ва ишончни янада ошириш; хорижий банклар кредит линияларини тўлиқ ва самарали ўзлаштириш, улар бўйича вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва камайтириш, кредит самарадорлигини оширишни таъминлаш учун ушбу банклар кредит линиялари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг мавжуд дастакларини такомиллаштириш; инвестиция лойиҳаларини бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида республикамызда фаолият юритаётган бюджетдан ташқари фондларнинг молиявий -иқтисодий ривожланиши учун шарт -шароит яратиш.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкинки, вилоятнинг саноат тармоқларини ривожлантириш ва чет эл инвестициялари ҳажмини кўпайтириш учун мамлакатимиз ҳукумати томонидан барча шарт — шароитлар имкон қадар тез ва сифатли тарзда яратилмоқда ҳамда амалга оширилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Расмий материаллар

1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Тошкент, Ўзбекистон, 2012. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлар. –Тошкент, Ўзбекистон, 1992. - 19 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, -Тошкент, Адолат. - 1999. –136 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. –Тошкент, Адолат. -1999. –21 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги қонуни. // Халқ сўзи. 2012 йил 7 январ.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуни 1998 йил 30 апрел.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялари фаолияти тўғрисида»ги қонуни. 1998 йил 24 декабр.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 25 декабр.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги Қонуни. 2003 йил 11 декабр.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари хамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 12 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги «Ўзбекистон Респуб-ликасининг Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб — қувватлаш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 июлдаги «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31-декабрдаги 288-сонли «Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида” ги ПФ-4058 Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сонли «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги «Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-тамоийилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-4933-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2750 – сонли Қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

1.3. Раҳбарий адабиётлар

20. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995. 269 бет.

21. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998. 686 бет.

22. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2009. -41 б.

23. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. // Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь.

24. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

25. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш якунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2015 йил 18 январь.

26. Каримов И.А. Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2016 йил 17 январь.

27. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. // Халқ сўзи, 2017 йил 16 январь.

II. Монографиялар, китоблар, рисоалар, илмий мақолалар ва матбуот нашрлари

28. Вчерашний Р., Сухарев О. Инновации — инструмент экономического развития. // Инвестиции в России. 2006. № 10. С.28.

29. Воронин С.А. Налогообложение как инструмент стимулирования инноваций. // «Общественные науки в Узбекистане», №1, 2009г., С.29-34.

30. Гирянский В. Инновационные итоги. О первой республиканской ярмарке инновационных идей и проектов. Экономическое обозрение. 2008. №5. С.48.

31. Глухарев К.А. Источники финансирования инвестиционно-инновационной деятельности. // Инновации. 2008. - №6.

32. Исхаков А., Урманова Д. Корхоналарнинг инновацион фаолиятини баҳолаш усуллари. Фан ва технологияларни ривожлантиришни Мувофиқлаштириш қўмитаси. 6-8 октябрь, Тошкент. 2008. -140б.

33. Кодирова Н.Ш. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида инновацияларнинг ўрни. Фан ва технологияларни ривожлантиришни Мувофиқлаштириш қўмитаси. 6-8 октябрь, Тошкент. 2008. -137б.

34. Ишмухамедов А.Э., Аскарлова М.Т. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти. Т.г ТДИУ, 2004. -256. б.

35. Данилов А.С., Юлдашов З.Ю. Национальная экономика. Учебное пособие. Т.: «Янги аср авлоди» 2003. 414с.

36. Хакимов Р., Отакулов М., Юсупов Э., Юсупов М. АСМ иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. Т.:, 2009.

37. Абдурахим Ортиқов. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2014й., 238 бет.

38. Шохўжаева З.С., Шодмонов Қ.Қ. Худуд иқтисодиётини ривожлантиришда инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги.//«Миллий иқтисодиётнинг халқаро рақобатдошлигини ошириш ва банк-молия тизимини такомиллаштириш масалалари». Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент, 2014 йил, 25 апрель, 252-254 бет.

39. Шохўжаева З.С., Шодмонов Қ.Қ. Жалб этилган инвестициялар ҳисобидан Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги.//«Инновацион менежментни ривожлантиришнинг замонавий муаммолари». Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. Қарши, 2014 йил, 17-18 ноябрь, 43-45 бет.

40. Шохўжаева З.С., Шодмонов Қ.Қ. Вилоят иқтисодиётига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишни кенгайтириш масалалари.// «Иқтисодиёт ва халқимиз ҳаёт сифатини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари». Республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари. (II-қисм). Самарқанд 2015 йил 20-21 февраль, 190-194 бет.

41. Шохўжаева З.С., Шодмонов Қ.Қ. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг вилоят иқтисодиёти тармоқларидаги

муаммолари. Интеллектуал салоҳият – тараққиёт мезони. Илмий мақолалар тўплами. 7-китоб. Тошкент, 2017 йил 155-159 бет.

III. Интернет сайтлар

42. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

43. [Agro.uz](http://agro.uz) – Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг расмий сайти

44. [Stat.uz](http://stat.uz) - Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти

45. [Agroculture.uz](http://agroculture.uz) - Ўзбекистон агроахборот тизими портали

46. www.fao.org - Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги халқаро ташкилотининг (FAO) расмий сайти

47. <http://www.ziyonet.uz> – Ахборот таълим тармоғи.

IV. Ҳисобот ва маълумотлар

48. Қашқадарё вилояти Косон-ёғ экстракция АЖнинг 2014-2016 йиллардаги йиллик ҳисоботлари.

49. Қашқадарё вилояти Қарши-ёғ экстракция АЖнинг 2014-2016 йиллардаги йиллик ҳисоботлари.

50. Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.